# «ФАН ФАЛСАФАСИ»

*УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА*

Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart

| Oldingi foydalanishlar miqdori | |
|---|---|
| | |

| | |
|---|---|
| | 31126 |
| | |
| САФАСИ" | |
| РОВА | |
| 2017 | |
| лланма | |
| | |
| | |
| | |
| | |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АГЕНТЛИГИ

# «ФАН ФАЛСАФАСИ» ФАНИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

АЛЛАЯРОВА СОЛИҲА НАРЗУЛЛОЕВНА

ТОШКЕНТ – 2017

Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart

| Oldingi foydalanishlar miqdori | |
| --- | --- |
| | |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АГЕНТЛИГИ**

# «ФАН ФАЛСАФАСИ» ФАНИДАН СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**АЛЛАЯРОВА СОЛИҲА НАРЗУЛЛОЕВНА**

**ТОШКЕНТ – 2017**

УЎК 37.013.3(072)
КБК 74.202
А 51

Аллаярова С.Н. “Фан фалсафаси” фанидан семинар машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш учун услубий қўлланма. -Тошкент: Extremum-press, 2017. -124 б.

Услубий қўлланма А-1-69 рақамли давлат гранти доирасида нашрга тайёрланган. Қўлланма ўқитишнинг замонавий тизими учун тажриба-синов тариқасида ишлаб чиқилган бўлиб, унда семинар машғулотларни олиб бориш технологияси баён этилган. Услубий қўлланма 5А220314-Фалсафа (қўллаш соҳаси) мутахассислиги ўқув режасидаги “Фан фалсафаси” фанидан машғулот олиб борувчи профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан фалсафий фанлардан дарс ўтувчи мутахассис-педагоглар, фалсафа таълим йўналишида таълим олувчи талабалар, магистрантлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Методическое пособие подготовлено в рамках государственного гранта А-1-69. Пособие разработано в качестве пробно-экспериментального варианта для современной системы образования. В пособии отражена технология организации и проведения семинарских занятий. Методическое пособие предназначено для преподавателей, проводящих занятия для специалистов 5А220314 – Философия (область применения). А также методическим пособием могут воспользоваться бакалавры, магистранты, соискатели, обучающиеся в рамках философского направления.

The methodical manual was prepared within the framework of the state grant A-1-69. The manual is designed as a pilot-experimental version for a modern education system. The manual reflects technology of organizing and conducting seminars. The methodical manual is intended for teachers conducting classes for specialists 5A220314 -Philosophy (field of application). And also the methodical manual can be used by bachelors, undergraduates, applicants, who study in the philosophical direction.

**Масъул муҳаррир:** Фалсафа фанлари доктори, профессор Шермухамедова Н.

**Тақризчилар:**
Фалсафа фанлари номзоди, доцент Носирхўжаева Г.
Фалсафа фанлари номзоди Бозаров Д.

Услубий қўлланма ЎзМу Услубий кенгашининг 2017 йил 27 июндаги 5-сонли мажлисида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM
№ 31126

ISBN 978-9943-4859-8-3
© «Extremum-press», 2017.

# КИРИШ

Замонавий таълим тизими янги авлод дарсликларини тайёрлаш, таълим сифатини ошириш, олий таълим муассасаси битирувчиларининг юқори профессионал салоҳиятга эга бўлишини талаб қилмоқда. 2013 йил 2 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 278-сонли буйруғига асосан "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси" ишлаб чиқилди. Концепциянинг мақсади - Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборат. Тақдим этилаётган услубий қўлланма фалсафа таълим негизидаги 5А220314 - Фалсафа (қўллаш соҳаси) мутахассислигининг ўқув режасидаги "Фан фалсафаси" фани дастури ҳамда дарслиги асосида тайёрланган. Унинг мазмуни магистратура мутахассислиги Давлат таълим стандартига мос. Услубий қўлланмада магистрантларнинг мавзуга оид билимларини мустаҳкамлаш, фаннинг фундаментал муаммоларини таҳлил қилиш, ўзлаштирилган билимларни амалиётга тадбиқ этиш малака ва кўникмаларини юксалтиришга эътибор қаратилган.

Ўқитишнинг замонавий тизимига ўтишда педагог-ўқитувчининг профессионал тайёргарлиги, билим даражаси, педагогик маҳорати, ҳар бир машғулотни олиб боришга ижодий ёндашиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, аввало, педагог ўқув жараёни бошланишига қадар ўқув-услубий базага эга бўлиши, у билан яхши таниш бўлиши лозим. Яратилган услубий қўлланма педагогик жараёнга киришишдан аввал ўқитувчи учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Таълим беришдан мақсад - ўқитиш (билим, малака ва кўникма хосил қилиш), тарбиялаш (шахсий сифатлар – муносабат, ишонч ва эътиқод кабиларни шакллантириш) ва ривожлантириш (фикрлаш, мулоҳаза юритиш, нутқ, ирода кабиларни ривожлантириш). Ушбу мақсадни амалга оширишда фан бўйича тайёрланган ўқув адабиётлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Дарслик ва ўқув қўлланмалар фаннинг



асосий ўқув адабиётларини ташкил этса, услубий қўлланма қўшимча адабиётлар таркибини бойитади. Замонавий таълим тизимида маъруза соатларининг қисқариб, аудиторияда семинар машғулотлари ортиб бормоқда. Бу ҳолат таълим олувчиларнинг ўз устиларида кўпроқ шуғулланишларини талаб қилиш билан бир қаторда, ўқитувчиларнинг ҳам таълим мақсадини амалга оширишга хизмат қиладиган зарурий услубий манбаларга эга бўлишини талаб қилмоқда.

Услубий қўлланма қандай ўқув адабиёти?

**Услубий қўлланма** - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, семинар машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Услубий қўлланма мутахассис кадрларни тайёрлаш ёки ўқитувчининг профессионал-педагогик салоҳиятини такомиллаштиришга қаратилади.

Услубий қўлланма қуйидагилар учун ишлаб чиқилиши мумкин:

- муайян (битта) мавзу машғулотини олиб бориш технологияси;
- бир нечта мавзулар учун технология;
- ўқув дастурининг барча мавзулари бўйича қўлланма;
- фанни ўқитишнинг муаллифлик методикаси бўйича қўлланма;
- барча фанларни ўқитишнинг умумий технологияси;
- таълим ва тарбия беришнинг янги шакл, метод ва воситалари бўйича қўлланма;
- фаннинг моддий-техник хусусиятларининг ўзгариши (ривожланиши) билан боғлиқ методик қўлланма ва ҳоказо.

Услубий қўлланмани тайёрлаш масалага жиддий ёндашишни талаб этади. Шу боис, уни ёзишга киришишдан аввал муаллиф қуйидагиларни яхшилаб ўрганган бўлиши лозим:

• қўлланмада танланадиган фан мавзусига эътибор билан ёндашиш. Танланган мавзу долзарб бўлиши билан бирга, ўқитувчининг мавзу бўйича етарли билим ва тасаввур, тажрибага эга бўлиши муҳим.

• Услубий қўлланманинг мақсадини аниқлаш. *Мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, 1) мавзу мазмунини ўрганишга оид ўқитишнинг шакл ва методларини аниқлаш; 2) ўқув дастурининг муайян мавзусини ўтишнинг бир неча хил тажрибаларини (турларини) очиб бериш; 3) ўқитувчи ва талаба фаолиятининг турларини тавсифлаш; 4) ўқитишнинг замонавий техник ва информацион воситаларидан фойдаланишни тавсифлаш; 5) машғулотларда назария ва амалиётнинг боғлиқлигини очиб бериш;6) машғулотларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва ҳоказо.*

• Мавзу бўйича мавжуд адабиётлар, услубий қўлланмалар ва намунали тажрибаларни ўрганиш.

• Услубий қўлланманинг режаси ишлаб чиқиш, структурасини аниқлаш ва ҳоказо.

Услубий қўлланманинг мазмунида мавзу ва мақсад аниқ акс эттирилиши лозим. Жумладан, у фойдаланувчиларга ўқув жараёнининг оқилона ташкил этилиши, метод ва улардан самарали фойдалана олиш, ўқув материалини тақдим этиш шакли, ўқитишнинг замонавий техник-информацион воситаларини қўлланилиши кабилар ҳақида тўлиқ тасаввур бера олиши керак.

Умуман олганда, **услубий қўлланма "Қандай ўқитиш керак?"** деган саволга жавоб бериши лозим.

Семинар машғулотларини олиб бориш учун тайёрланган услубий қўлланма маърузa машғулотлари учун мўлжалланган шу турдаги ўқув адабиётларидан талабалар билимини мустаҳкамлаш, фан натижаларини қўллашга оид малака ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилганлиги билан фарқ қилади. Семинар машғулоти олий таълим тизимида назария ва амалиётни боғлашга хизмат қилувчи муҳим таълим шаклидир. "Семинар" қадимги рим маданияти билан боғлиқ сўз бўлиб, кўчатзор (уруғ сепиб парвариш билан мевали кўчатни ўстириш) деган маънони билдиради. Шу боис семинар машғулоти, гўё,



ўқитувчи маърузада талабалар онгига сепилган билим уруғларини интерфаол методлар воситасида ниш олишига, ўсиб-улғайишига имкон, шарт-шароит яратадиган таълим олиш шаклидир. Ҳақиқий семинар машғулоти мустақил тайёргарликка асосланиб, тадқиқотчилик билан тугайди. Бу фаолиятда талабалар аудиторияда мустақил ўқиган манбаларини муҳокама қилиб, ўз қараш ва хулосаларини ҳимоя қила оладиган даражага етишиши керак. Шунинг учун ҳам семинар машғулотида ўзига хос интерфаол методларни қўллаш бошқа машғулот шаклларидан муҳим.

Қўлингиздаги услубий қўлланмада "Фан фалсафаси" фани дастуридаги маъруза мавзулари мазмуни асосида семинар мавзулари ишлаб чиқилди ва машғулот режалари тузилди. Унда мавзуларни ўзлаштириш учун семинарнинг таълим технологияси модели ва харитаси асосида машғулотни ташкил этиш ва олиб бориш механизми ишлаб чиқилди. Услубий қўлланманинг мақсади – **"Фан фалсафаси"нинг асосий ғояларини ўзлаштириш, таҳлил қилишга оид билим, малака ва кўникмаларни хосил қилишга хизмат қиладиган семинар машғулотини олиб бориш технологиясини аниқлашдир.**

Услубий қўлланма 5А220314-Фалсафа (қўллаш соҳаси) мутахассислиги фанлари бўйича биринчи марта семинар машғулотлари учун учун тайёрланганлиги боис, унда камчиликлар бўлиши мумкин. Услубий қўлланмани такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазаларни муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

## "ФАН ФАЛСАФАСИ"
## ФАНИ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

| № | Маъруза мавзуси | Семинар мавзуси |
|---|---|---|
| 1 | Эпистемология – илмий билиш мезони | Гносеология, методология ва эпистемологиянинг ўзаро боғлиқлиги |
| 2 | Дунёнинг илмий манзараси ва унинг эволюцияси | Дунёнинг классик, ноклассик ва постноклассик манзараси |
| 3 | Фан фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши | Фан фалсафасининг асосий муаммолари |
| 4 | Фан фалсафаси вужудга келишининг биринчи босқичи | Позитивизм ва Огюст Конт таълимоти |
| 5 | Фан фалсафаси ривожланиш жараёнининг иккинчи босқичи | Конвенционализмнинг фан фалсафаси ривожидаги ўрни |
| 6 | Фан фалсафаси эволюциясининг учинчи босқичи | Вена тўгараги фаолиятининг фан фалсафаси тараққиётидаги ўрни |
| 7 | Танқидийлик ва рационализмнинг ўзига хос хусусиятлари | Карл Поппер таълимоти ва танқидийлик (критицизм) |
| 8 | Эволюцион эпистемология ва эволюцион дастур. Тарихий эволюцион йўналиш | Эволюцион эпистемологиянинг мазмуни |
| 9 | Илмий тадқиқот дастурида билим ўсишининг мантиқий-норматив модели. Эпистемологиядаги плюрализм | Имре Лакатос ва Пол Фейерабенд қарашлари таҳлили |
| 10 | Миф ва ҳақиқатнинг зиддияти | Миф – рационализм ва иррационализм талқинида |
| 11 | Эзотерик билимлар мақоми | Эзотерика ва эзотерик билимлар |
| 12 | Фан ва оккультизм ўзаро алоқасининг тарихий таҳлили | Оккультизмнинг амалий аҳамияти |
| 13 | Ўрта асрлар ва Уйғониш даврида фан – "табиий афсунгарлик" сифатида | Табиат кучларидан оқилона фойдалана олиш |
| 14 | Илмий герметизм | Герметик анъаналар мазмуни |
| 15 | Энергия феномени | Руҳий энергия: моҳияти ва намоён бўлиши |
| 16 | Келажак фани ҳақида олимлар ва эзотерикларнинг мулоҳазалари | Фан ва эзотеризм мўлжалларининг мутаносиблиги |

# 1-БЎЛИМ. ЭПИСТЕМОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ, МЕТОДОЛОГИЯ ВА ФАН ФАЛСАФАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## 1-машғулот

**“Гносеология, методология ва эпистемологиянинг ўзаро боғлиқлиги” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели**

| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Гносеология – билиш назарияси<br>2. Методология ва фан методологияси<br>3. Илмий билиш назарияси – эпистемологиянинг мазмуни |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Гносеология, методология ва эпистемологиянинг мазмуни, муаммолари доираси ва ўзаро алоқаси тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш. |
| *Педогогик вазифалар:*<br>-«Эпистемология» атамасининг моҳиятига оид назарий билимларни мустаҳкамлаш;<br>- Эпистемологиянинг гносеология, методологияга боғлиқлиги, бу назарий ҳодисаларнинг абстракт дунёда қандай воқе бўлиш ҳолатлари ҳақида тасаввурни шакллантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• «Эпистемология» атамасининг мазмун ва моҳиятини, унинг илмий жараёнда қандай воқе бўлишини тушунтириб бера олади;<br>• XX аср эпистемологияси турларини ўрганиб, уларнинг ўзига хосликларини таҳлил этади;<br>• Гносеология, методология ҳамда эпистемология уйғунлигини тушунтириб бера олади. |



| | |
|---|---|
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар, слайдлардан фойдаланиш |
| *Таълим шакли* | Ақлий ҳужум, Венн диаграммаси график органайзери. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Гносеология, методология ва эпистемологиянинг ўзаро боғлиқлиги” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини фаоллаштириш мақсадида ақлий ҳужум ўтказади (1.1.-Илова).<br>Жавобларни аниқлаштиради, хатоларни тўғирлайди, хулосалайди.<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (1.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br><br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |

| | | |
|---|---|---|
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Эпистемология, гносеология ва методология тушунча-ларининг моҳиятини Венн диаграммаси график органайзерида қиёсий таҳлил қилишни ташкил этади (1.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни индивидуал тарзда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, бир-бирига солиштиради, талабалар билан биргаликда тўғри жавоблар ҳамда фикрларни қайд қилади, хулосалайди | Топшириқни бажаришда Венн диаграммаси график органайзерларини тўлдиради.<br><br>Якка ҳолда ёзилган жавобга кўра оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзуда қўйилган саволлар ва уларнинг ёритилганига ўқитувчи якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзуси эълон қилинади ва семинар машғулотга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (1.4.-Илова). | Тинглайди ва уйга вазифани ёзиб олади.<br><br>Тақдимотга қарайди, адабиётларни ёзиб олади. |



1.1.-Илова

### «Ақлий ҳужум» методи

«Ақлий ҳужум» – *«брейнсторминг»* *(brain storming)* инглизча сўздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг методларидан бири. Бу метод ақлий фаолликни кўзғатади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради.

"Ақлий ҳужум" методида тингловчиларга савол берилади, улардан бу саволга жавобини топиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини ҳамда улардан энг кутилмаган фикрларни ҳам илгари суришларини сўралади. Айтилган барча фикрлар доскага ёзиб борилади (қисқа шаклда). Айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирилмайди ва фикрлар охиригача ёзиб бориловеради.

"Ақлий ҳужум" методини ўтказишдан кўзланган мақсадлар қуйидагилар:

– муаммони ҳал қилиш учун ғояларни чиқариш;
– ғояларни уларнинг аҳамиятлигига қараб, тартиблаш;
– фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
– кутилмаган ғояларнинг пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
– топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

### Ўкув топширик

**Саволлар:**

1. Гносеология нима?
2. Методологиянинг мазмунини айтиб беринг.
3. Эпистемология ҳақида нималарни биласиз?
4. Эпистемологиянинг турлари?
5. Қандай муаммолар эпистемологик муаммо бўлиши мумкин?

1.2.-Илова

**Таянч иборалар:**

Гносеология, методология, фан, билим, билиш, онг, ақл, идрок, ҳақиқат, эпистемология, эволюцион эпистемология, генетик эпистемология, натураллашган эпистемология.

**Глоссарий:**

**Гносеология** – билиш назарияси.

**Методология** – методлар мажмуаси, тадқиқот йўналишини белгилаб берувчи назарий билимлар тизими.

**Фан** – ижтимоий ҳодиса, билимларнинг тизимлаштирилган шакли.

**Билиш** – воқеликнинг инсон онгидаги акси.

**Билим** – билишнинг натижаси, субъективлашган ахборот.

**Онг** – субъектнинг ташқи дунё воқеалари ва ўз ҳаётига нисбатан кечинмалари акс эттирувчи инсон руҳияти соҳаси.

**Ақл** - (лот. *rationalis*, юн. *nus*, *fronesis;* араб. *ал-ақл* – асосланган, мақсадга мувофиқ) – инсон учун ўйлаш, фикрлаш, англаш ва хотирлаш, хулоса чиқариш имконини берадиган қобилият, ноёб маънавий ҳодиса. Шунингдек, тафаккур фаолиятининг босқичи, инсоннинг нарсаларнинг моҳиятига етиштирувчи билиш қобилияти.

**Идрок** - сезгилар воситасида олинган билимнинг онгдаги акси.

**Ҳақиқат** – воқеликнинг инсон онгидаги билимларига айнанлиги, мослиги.

**Эпистемология** – луғавий маъноси: грекча "илмий билим, фан", "ишончли билим". У фалсафанинг шундай соҳасики, унда билим табиати ва имкониятлари, чегараси ва ишончлилик шартлари таҳлил қилинади. 1832 йилдан илмий атама сифатида қўлланила бошлаган. Классик ва ноклассик эпистемология фарқланади. Классик эпистемологиянинг ўзига хосликлари 1) танқидийлик -критицизм; 2) фундаментализм ва нормативизм; 3) субъектни марказлаштириш; 4) фанни марказлаштириш. Ноклассик эпистемология 1) пост–критицизм; фундаментализмни рад этиш; 3) субъектни марказлаштиришни рад этиш; 4) фанни марказлаштиришни рад этишда намоён бўлади.



**Эпистемологиянинг тушунчалари:** билим, билиш, онг, сезги, ақл, идрок, ҳақиқат.

**Асосий саволи:** Дунёни билиш мумкинми?

**Эпистемологиянинг асосий муаммолари:**

1) ҳақиқат ва маъно;
2) метод муаммоси;
3) билиш моҳияти;
4) билим шакллари;
5) билишнинг эмпирик ва назарий даражалари;
6) билиш тамойиллари;
7) ишонч (интуиция) ва билиш;
8) тажриба структураси ва шакллари;
9) илмий билиш хусусиятлари ва меъёрлари;
10) тушуниш ва тушунтириш.

**Эволюцион эпистемология** – эпистемологиянинг билимни биологик эволюциянинг натижаси деб қаровчи бўлими. Эволюцион эпистемология билимни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги каби оддийликдан мураккабликка, ноаниқликдан аниқликка қараб ўсиб борувчи кумулятив жараён натижаси сифатида баҳолайди. Бу эволюцияни К.Поппер қуйидагича изоҳлайди:

$$P_1 \rightarrow TT \rightarrow EE \rightarrow P_2$$

Муаммо ($P_1$) синалган назариялар (tentative theories) ёрдамида ечим топишга интилиш туфайли пайдо бўлади. Бу назариялар танқидий жараён сифатида хатоларни тузатиш (error elimination) даражасига кўтарилади. Йўл қўйилган хатолар оқибатида янги муаммолар ($P_2$) пайдо бўлади.

**Генетик эпистемология** – (юнонча genetikos – туғилишга, келиб чиқишга оид; episteme – билим; logos – таълимот) швейцар психологи Ж.Пиаженинг ўтган аср йигирманчи ва қирқинчи йилларидаги психология ва мантиқий тафаккур соҳасини ўрганишга оид изланишлари натижасида 50-йилларнинг бошларида ишлаб чиқилган. Айрим манбаларда когнитив психология деб ҳам номланади. Биринчи марта ушбу концепция ҳақидаги тўлиқ қарашлар олимнинг уч жилдлик "Генетик эпистемологияга кириш" асарида баён этилган (Piaget J. Introdaction a Fepistemologie genetique. –Paris, 1950.). Генетик эпистемологияга кўра, ҳақиқий билимга тарихий-танқидий ва

генетик (психологик) ёндашув орқали эришиш мумкин: билим босқичма-босқич ривожланади, бу жараён индивидни реал воқеликнинг аниқ вазиятларига мослашиши билан боғлиқ; вазиятларга фаол мослаша олиш индивиднинг туғма эҳтиёжи бўлиб, билимнинг бойиб бориши воқелик ва мавжуд ахборотларнинг орасида зиддиятнинг камайиши билан боғлиқ.

**Натураллашган эпистемология** – эмпирик психологиянинг таркибий қисми, яъни табиий фан қисми сифатида қаралади. Асосчиси У.Куайн.

**1.3.-Илова**

**“Венн диаграммаси” график органайзери (ГО)**

ГО талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар (асосий тушунчалар) негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради.

**Ўкув топшириқ**

**3) Эпистемология, гносеология ва методология тушунчаларининг моҳиятини Венн диаграммаси асосида органайзерларда ишлаб чиқинг:**






**1.4.-Илова**

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013.ISBN: 978-9943-4112-9-6.

2. Микешина Л.А. Философия науки. Современная эпистемология. –М.: Прогресс-Традиция, Флинта, 2005. ISBN: 5-89826-202-4.

3. Никифоров А.Л. Философия науки: история ва теория. –М.: Идея-Пресс, 2010. ISBN: 978-5-903927-12-8.

4. Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия науки и техники. –М.: Гардарики, 1996. ISBN: 5-7762-0013-X.

5. Куайн У.В.О. Слово и объект. Пер. С анг. –М.: Логос, Праксис, 2000.

6. Энциклопедия эпистемологии и философия науки. –М.: Канон+, Реабилитация, 2009. ISBN: 978-5-88373-089-3

7. Генетическая эпистемология // Большой психологический словарь. Под.ред. Б.Г.Мещеряков, акад.В.П.Зинченко. – М.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2002.

8. Клягин Н.В. Современная научна картина мира. –М.: Логос, 2007

9. Саврушева М.И. Философия науки и техники. Учебное пособие. –Омск, 2013.

10. Кохановский В.П. и др. Основы философии науки. Учебное пособие. –Ростов н/Д: Феникс, 2008. -603 с.

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 31126

## 2-машғулот

### "Дунёнинг классик, ноклассик ва постноклассик манзараси" мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Дунёнинг классик манзараси<br>2. Дунёнинг ноклассик манзараси<br>3. Дунёнинг постноклассик манзараси |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Дунёни тасаввур қилиш, унинг илмий манзараси хусусиятлари, илм-фан ривожлангани сари дунёнинг илмий манзарасининг ўзгариб боришини ва оламнинг ҳозирги замон манзарасини тасаввур қилиш кўникмаларини шакллантириш, билимларни мустаҳкамлаш. |
| *Педогогик вазифалар:*<br>Дунёнинг манзараси, олам тушунчаларига оид назарий билимларни мустаҳкамлаш;<br>- Дунёнинг илмий манзараси эволюцияси динамикаси ҳақидаги билим ва тасаввурни шакллантиришга йўналтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• «Дунёнинг илмий манзараси» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини тушунтириб бера олади;<br>• Олам ҳақидаги тасаввурлар ва унинг фан-техника натижасида ўзгариши хусусиятларини фарқлай олади;<br>• Ҳозирги замон дунёнинг илмий манзараси моҳиятини тушунтириб бера олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар (А4 форматдаги қоғозлар), слайдлардан фойдаланиш. |
| *Таълим шакли* | Муаммоли савол, Блиц-сўров. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат,ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI AKM №



### "Дунёнинг классик, ноклассик ва постноклассик манзараси" мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **ўқитувчининг** | **талабаларнинг** |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. «Оламни қандай тасаввур қиласиз? » саволи билан талабаларга мурожаат қилади.<br>Жавобларни тинглайди, таҳлил қилиб беради, хулосалайди.<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (2.1.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. "Фан ривожи ва у орқали вужудга келадиган дунёнинг илмий манзараси эволюциясининг ҳудуд | Топшириқни бажариш учун ҳудудий номлар ёзилган тарқатма |

| | | |
|---|---|---|
| | жиҳатдан нотекис эканлигини қандай ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин?", деган савол билан мурожаат этади (2.2.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни индивидуал тарзда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда тўғри жавоблар ҳамда фикрларни қайд қилади, хулосалайди.<br>2.4. Мавзунинг таянч ибораларига оид Блиц-сўров ўтказади (2.3.-Илова).<br>2.5. Блиц-сўров натижалари аниқланади. | материалга белгиланган вақт оралиғида мустақил жавоб ёзади.<br>Оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзуда кўйилган саволлар ва уларнинг ёритилганига ўқитувчи якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (2.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br>Тегишли адабиётларни ёзиб олади. |



**2.1.-Илова**

**Таянч иборалар:**

Дунёнинг манзараси, дунёнинг мифологик манзараси, дунёнинг диний манзараси, дунёнинг илмий манзараси, дунёнинг классик манзараси, дунёнинг ноклассик манзараси, дунёнинг постноклассик манзараси, синергетика, хаос.

**Глоссарий:**

**Дунёнинг манзараси** – жамоа ёки якка инсоннинг олам ҳақидаги дунёни ҳис қилиши, дунёни қабул қилиши, дунёни тушуниши ва дунёқарашининг мазмуни жамланган, яхлит, тизимлаштирилган билимлар мажмуаси.

**Дунёнинг мифологик манзараси** – мифологик образлар асосида вужудга келадиган оламни ҳис қилиш, тасаввур қилиш, тушуниш манзараси.

**Дунёнинг диний манзараси** – диний манбаларда илгари сурилган ғоялар асосида оламни тасаввур қилиш.

**Дунёнинг илмий манзараси** – илм-фан ютуқлари асосида дунёни тасаввур қилиш, тушуниш.

**Дунёнинг классик манзараси** – қатъий бир хил аниқловчили прогрессив йўналишга эга чизиқли ривожланиш асосида борлиқни қабул қилиш: ҳозирги кун келажакни қандай белгиласа, ўтмиш ҳам ҳозирги кунни шундай белгилайди.

**Дунёнинг ноклассик манзараси** - классик манзарадан фарқли, тасодифга алоҳида аҳамият беради: ривожланиш бир текис, бир чизиқли эмас деган ғояга суянади.

**Дунёнинг постноклассик манзараси** – оламнинг мавжуд бўлиши, ривожланишини дарахтсимон сертармоқ графикага асосланиб тушунтиради, асосий объект очиқ чизиқсиз тизимлар ҳисобланади.

**Синергетика** – спонтан структурогенезнинг энг умумий қонуниятларини аниқлашни ўз предметига айлантирган ўз-ўзини ташкил этиш назарияси.

**Хаос** – тартибсизлик: синергетикада тартиблашишга замин бўлувчи ҳолат.

2.2.-Илова

## Муаммоли савол методи

**Муаммоли савол** - бирор-бир масала, ҳолатга якдил, инвариант жавобнинг мавжуд эмаслиги (ёки жавобларнинг кўплиги), муайян вақт ва маконда ечимини топмаганлиги билан изоҳланади. Муаммоли саволнинг ўқув машғулотида қўлланилиши талабаларни билиш жараёнига жалб қилиб, илмий изланишга яқинлаштиради, ижодий фикрлашни ривожлантиради.

*Муаммоли саволнинг педагогик вазифаси*: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил этиш.

### Ўқув топшириқ

**Савол:** "Фан ривожи ва у орқали вужудга келадиган дунёнинг илмий манзараси эволюциясининг худуд жиҳатдан нотекис эканлигини қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин?".

Ўқитувчи томонидан талабаларга якка ҳолда жавоб топишлари учун қуйидаги ҳудудлар номи ёзилган А4 форматдаги қоғозлар тарқатилади: Осиё, Европа, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка.

2.3.-Илова

## Блиц-сўров методи

Таянч ибораларда келтирилган тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида блиц-ўйин ўтказилади. Ушбу ўйинда талабалар якка ва жуфт ҳолда гуруҳларга бўлиниб жадвални тўлдиришлари керак. Жадвал алгоритмик кетма-кетликда тўлдирилади. Аввал талаба якка ҳолда фикрларнинг кетма-кетлигини белгилайди сўнгра гуруҳ билан кетма-кетлигини белгилайди. Ўқитувчи томонидан тўғри кетма-кетлик эълон қилинганидан кейин талаба якка ва гуруҳдаги хатосини тўғрилайди. Катта сондан кичигини айиради. Жами баллар сони ҳисобланади. Кам натижа тўғри жавоб ҳисобланади.



### Ўқув топшириқ:

*Тарқатилувчи жадвал*

| Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси | Тўғри жавоб | Якка хато | Якка баҳо | Фикрлар тартиби |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Фан |
| | | | | | Дунёнинг постноклассик манзараси |
| | | | | | Дунёнинг диний манзараси |
| | | | | | Хаос |
| | | | | | Миф |
| | | | | | Дунёнинг ноклассик манзараси |
| | | | | | Синергетика |
| | | | | | Дунёнинг мифологик манзараси |
| | | | | | Дин |
| | | | | | Дунёнинг илмий манзараси |
| | | | | | Дунёнинг классик манзараси |
| | | | | | Чизиқли ҳаракат (ривожланиш) |
| | | | | | Парадигма |

*Тўғри тартибли жавоб*

| Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси | Тўғри жавоб | Якка хато | Якка баҳо | Фикрлар тартиби |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Миф |
| | | | | | Дунёнинг мифологик манзараси |
| | | | | | Дин |
| | | | | | Дунёнинг диний манзараси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Фан |
| | | | Парадигма |
| | | | Дунёнинг илмий манзараси |
| | | | Дунёнинг классик манзараси |
| | | | Чизиқли ҳаракат (ривожланиш) |
| | | | Дунёнинг ноклассик манзараси |
| | | | Дунёнинг постноклассик манзараси |
| | | | Синергетика |
| | | | Хаос |

2.4.-Илова

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013.ISBN: 978-9943-4112-9-6.

2. Микешина Л.А. Философия науки. Современная эпистемология. –М.: Прогресс-Традиция, Флинта, 2005. ISBN: 5-89826-202-4.

3. Никифоров А.Л. Философия науки: история ва теория. –М.: Идея-Пресс, 2010. ISBN: 978-5-903927-12-8.

4. Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия науки и техники. –М.: Гардарики, 1996. ISBN: 5-7762-0013-Х.

5. Энциклопедия эпистемологии и философия науки. –М.: Канон+, Реабилитация, 2009. ISBN: 978-5-88373-089-3

6. Саврушева М.И. Философия науки и техники. Учебное пособие. –Омск, 2013.

7. Кохановский В.П. и др. Основы философии науки. Учебное пособие. –Ростов н/Д: Феникс, 2008. -603 с.




## 2-БЎЛИМ. ЭПИСТЕМОЛОГИЯ ДУНЁСИ

### 3-машғулот

### “Фан фалсафасининг асосий муаммолари” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1.Фан фалсафасининг генезиси<br>2.Фан фалсафасининг предмети<br>3.Фан фалсафасининг структураси |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Фан фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, асосий, муаммолари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, билимларини мустаҳкамлаш. |
| *Педогогик вазифалар*:<br>- Фан фалсафасининг асосий муаммолари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Фан фалсафасининг предметини тушунтириб бера олади;<br>• Фан фалсафасининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини асослай олади;<br>• Фан фалсафасининг асосий муаммоларини санаб, таҳлил қила олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар, слайдлардан фойдаланиш. |
| *Таълим шакли* | Ақлий хужум, ФСМУ. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Фан фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларига ташхис қўйиш учун мавзуга оид саволлар билан мурожаат қилади (3.1.-Илова).<br>Жавобларни тинглайди, таҳлил қилиб беради, хулосалайди.<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (3.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзуга оид билимларни мустаҳкамлаш учун ФСМУ технологияси асосида тарқатма материал тақдим этилади (3.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни жуфт тарзда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда жавобларни таҳлил қилади, хулосалайди. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>Жуфтликдан истаган бири ёзилган жавобга кўра оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзуда қўйилган саволлар ва уларнинг ёритилганига ўқитувчи якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзуси эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (3.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Керакли тавсия ва хулосаларни ёзиб олади.<br>Тегишли адабиётларни ёзиб олади. |



**3.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Фан фалсафаси қандай фан?
2. Фаннинг фалсафаси бўлишини қандай изоҳлайсиз?
3. Фан фалсафасининг пайдо бўлиши – тарихий заруриятми?
4. Фан фалсафасини қандай фанлар таркибига киритиш мумкин?

**3.2.- Илова**

**Таянч иборалар:**

Фан фалсафаси, фаншунослик, фанметрия, фан социологияси.

**Глоссарий:**

**Фан фалсафаси** – фан тушунчаси, чегаралари ва методологиясини ўрганувчи фалсафанинг бўлими. **Фан** фалсафасини фан ва эпистемология ривожига оид яратилган кўплаб концепция ва назариялар мажмуаси дейиш ҳам мумкин.

**Фаншунослик** – ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан фаннинг ўзаро алоқаси, ривожланиш тенденцияларини ўрганувчи билимлар тизими. Фаншунослик икки – назарий ва амалий қисмга бўлинади. Унинг таркибига фанметрия, фан социологияси, фан иқтисодиёти, илмий ижод психологияси кабилар киради.

**Фанметрия** – фаннинг информацион ҳажми динамикасини статистик ўрганиш соҳаси.

**Фан социологияси** – илмий фаолиятнинг ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида ривожланиш хусусиятларини ўрганувчи социологиянинг соҳаси. Фан социологияси фанни ижтимоий институт сифатидаги ролига аҳамият беради: унда асосий эътибор илмий изланишдаги ҳамкорлик ва илмий жамоаларнинг фанни яратишдаги биргаликдаги фаолиятига қаратилади.

**3.3.- Илова**

## ФСМУ технологияси қоидаси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашиш маданиятинига ўргатади. Талабаларга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг.

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг.

У – фикрингизни умумлаштиринг.

### Ўқув топшириқ:

| Савол | Фан фалсафасининг пайдо бўлишиға қандай ижтимоий-тарихий вазиятлар сабаб бўлди? |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | |
| (С) Фикрингиз баёнига | |



| | |
|---|---|
| сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| Савол | Фан фалсафаси қандай муаммо-ларни ўрганса мақсадга мувофиқ бўлади? |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| Савол | Фан фалсафаси табиий-илмий ва гуманитар билим орасидаги боғловчи бўғинми? |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

3.4.-Илова

## Тавсия этиладиган адабиётлар:


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.
2. Конт О. Дух позитивной философии (Слово о положительном мышлении) / пер. с.фр. И.А.Шапиро. –Ростов н/Д: Феникс, 2003. -256 с.
3. Конт О. Общий обзор позитивизма. / пер. с.фр. И.А.Шапиро. –М.: Книжный дом "ЛИБРОКОМ", 2011. -448 с.
4. Спенсер Г. Классификация наук. –М.: 2006. ISBN: 5-9502-0180-9
5. Спенсер Г. Воспитание умственное, нравственное и физическое. –М.: Либроком, 2013. –с.232. ISBN: 978-5-397-04123-2
6. Милл Дж.С. Система логики. –М.: 2012. –с.556. ISBN: 978-5-518-07914-4




## 4-машғулот

### "Позитивизм ва Огюст Конт таълимоти" мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони*: 5 |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. XIX асрдаги фан ва саноат инқилоби<br>2. Позитивизм<br>3. Огюст Конт таълимотининг асосий хусусиятлари |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Фан фалсафаси вужудга келишининг биринчи босқичи ҳақидаги тасаввур ва билимларни мустаҳкамлаш. |
| *Педогогик вазифалар*:<br>• Позитивизмнинг мазмуни, генезиси, асосий муаммоларига аниқлик киритиш;<br>• 19-асрнинг иккинчи ярми ва 20-аср бошидаги фан контекстидаги ўзгаришлар ҳақидаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлаш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Позитивизмнинг моҳиятини тушунтириб бера олади;<br>• 19-аср охиридаги Европадаги ижтимоий-иқтисодий, тарихий, сиёсий, маънавий-маърифий шарт-шароитларни таҳлил қила олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар, слайдлардан фойдаланиш. |
| *Таълим шакли* | Ақлий хужум, Ассесмент. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Позитивизм ва Огюст Конт таълимоти” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларига ташхис қўйиш учун мавзуга оид саволлар билан мурожаат қилади (4.1.-Илова).<br>Жавобларни тинглайди, таҳлил қилиб беради, хулосалайди.<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (4.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзуга оид билимларни ўзлаштирганлигини аниқлаш учун Ассесмент технологияси асосида тарқатма материал тақдим этилади (4.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни якка тарзда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, барча жавоб бериб бўлгандан кейин тест ва изоҳли луғатнинг тўғри жавоблари берилган слайдни намойиш этади.<br>2.4. Муаммоли вазият ва ижодий иш жавобларини қиёсий таҳлил қилиб, нисбатан тўғри жавобни эълон қилади. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>Тўлдирилган тарқатма материалдаги ижодий иш ва муаммоли вазият бўлимларига ёзилган жавоблар ўқиб эшиттирилади.<br>Ассесмент технологиясига кўра, талабалар ўқитувчининг йўриқномасига асосан ўзларини ўзлари баҳолайди. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига ўқитувчи якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзуси эълон қилинади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (4.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли тавсия ва хулосаларни ёзиб олади.<br>Тегишли адабиётларни ёзиб олади. |



**4.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Позитивизм нимани англатади?
2. Огюст Конт ҳақида нималарни биласиз?
3. 19-асрнинг охирида Европада қандай фанлар ривож топди? Қандай оламшумул воқелар бўлганлигини эслай оласиз?
4. Европада 19-аср охирида фалсафанинг ўрни қандай эди?

**4.2.-Илова**

**Таянч иборалар:**

Позитивизм, кумулятивизм, антикумулятивизм, "Позитив фан", верификация.

**Глоссарий:**

**Позитивизм** – фалсафий тадқиқотларнинг қимматини инкор этувчи, фақат эмпирик йўл билан олинган билимларни ҳақиқий деб билувчи фалсафий таълимот. Асосий тезиси - барча эришилган билимлар махсус фанларнинг натижасидир, фалсафа каби фанларга зарурат йўқ.

**Кумулятивизм** – билиш доимий ривожланиб борувчи узлуксиз жараён бўлиб, ҳозирги фан ундан аввалги фанлар яратган алоқалар ва муносабатлар қатламидир, деган фикрни илгари суради.

**Антикумулятивизм** – фанни ривожлантирувчи асосий восита давомийлик ёки узлуксизлик эмас, балки меъёрлар, қонунлар, андозалар, билимлар тизимини бутунлай ўзгаришига сабаб бўладиган илмий инқилоблардир, деган фикрни илгари суради.

**"Позитив фан"** - фр. positivisme, лот. positivus – ижобий деган маъноларни англатади, Контга кўра, ҳар қандай фан эмпирик далиллар орқали эришилган натижаларга эга бўлиши лозим. Фаннинг ўзи фалсафа. Алоҳида "фалсафа" деган фанга эҳтиёж йўқ. Демак, махсус фанлар позитив фанлардир.

**Верификация** – эмпирик далиллар асосида янги билимларнинг ҳақиқийлигини исботлаш усули. Унга кўра ҳақиқий билим бу – фақат тажрибада синаб кўриш мумкин бўлган билимдир.

**4.3.-Илова**

**Ассесмент методи**

| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (8.4.-Илова). | Тинглайди. Тегишли изоҳларни ёзиб олади.<br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |

**8.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Эволюцион эпистемология бу?
2. Эволюцион эпистемологиянинг қандай маъноларини биласиз?
3. Генетик эпистемология бу?
4. Гипотетик реализм деб эшитганмисиз?

**8.2.-Илова**

**Таянч иборалар:**

Парадигма, билишнинг эволюцион назарияси, фаннинг эволюцион назарияси, гипотетик реализм, илмий ҳамжамият, нормал фан.

**Глоссарий:**

**Парадигма** (юнонча paradigma – намуна, ўрнак) - илмий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган илмий назария. Кун фикрича, парадигма – маълум давр ичида илмий жамоатчиликка илмий муаммони қўйиш ва ҳал этиш намунаси бўлиб хизмат қиладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий назария.

**Билишнинг эволюцион назарияси** - билиш аппаратининг вужудга келиши ва шаклланиши жараёнларини ўрганади.

**Фаннинг эволюцион назарияси** - билиш маҳсуллари: гипотеза, назария ва концепцияларни ўрганиш билан шуғулланади.

**Гипотетик реализмнинг** асосий постулатларига қуйидагилар киради (Г.Фоллмерга кўра): 1) реаллик постулати (идрок ва онгга боғлиқ бўлмаган реал дунё мавжуд); 2) структуравийлик постулати; 3) узлуксизлик постулати (воқеликнинг барча соҳалари ўртасида узлуксиз тарихий ва каузал алоқа мавжуд); 4) ўзга онг ҳақидаги постулат (бошқа индивидлар ҳам менга ўхшаб идрок этиш ва англаш қобилиятига эга); 5) ўзаро алоқа постулати (бизнинг органларимиз реал дунё билан ўзаро алоқага киришади); 6) мия функцияси ҳақидаги постулат (тафаккур ва онг табиий орган – мия функциясидир); 7) объективлик постулати (илмий фикрлар ва мулоҳазалар объектив бўлиши лозим).



**Илмий ҳамжамият** - муайян ихтисосликка эга бўлган ва махсус илмий тайёргарликдан ўтган тадқиқотчилардан ташкил топган жамоа. Илмий ҳамжамият намояндалари ўхшаш касбий кўникмаларга эга бўлади ва муайян турдаги илмий адабиётларни ўзлаштирадилар. Илмий ҳамжамият намояндаларининг қизиқишлари доираси ва тадқиқот предмети ўрганилган илмий адабиётлар доираси билан белгиланади. Илмий ҳамжамият барча олимлар уюшмаси сифатида, миллий илмий уюшма сифатида, фаннинг у ёки бу соҳаси мутахассисларининг уюшмаси сифатида ёки муайян илмий муаммони ўрганаётган тадқиқотчилар гуруҳи сифатида тушунилиши мумкин.

**Нормал фан** - қабул қилинган парадигманинг ҳукмронлиги давридаги фан.

**8.3.-Илова**

**Ўкув топшириқ**

Билишнинг эволюцион назарияси (БЭН) ва фаннинг эволюцион назарияси (ФЭН) ўзига хослиги ва узвийлигини Венн диаграммаси график органайзери ёрдамида ёритинг:



## 8.4.-Илова

**Ўкув топшириқ**
**ФСМУ тезислари:**

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **“Билиш назарияси кўп жиҳатдан тафаккурнинг борлиққа мослашуви назариясидир” (Лоренц).** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **“Инсоннинг қайси тушунчалардан фойдаланиши, оқилона фикрлашнинг қайси андозаларини тан олиши, ўз ҳаётини қандай йўлга қўйиши ва тажрибасига таяниши унинг қаерда туғилганлиги ва яшаганлиги билан боғлиқ” (Тулмин).** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **“Фан бу – билимлар тизими эмас, балки илмий ҳамжамиятлар фаолиятдир” (Кун).** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |



## 8.5.-Илова

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN 978-9943-4112-9-6.
2. Лакатос И. Фальсификация и методология научно-методологических программ. –М.: Медиум, 1995.
3. Лакатос И. Доказательства и опровержения. Как доказываются теоремы. –М.: Наука, 1967.
4. Лакатос И. Избранные произведения по философии и методологии науки. –М.: Академический Проект, 2008.
5. Фейерабенд П. Фейерабенд, П.Избранные труды по методологии науки / Пер. с англ. и нем. А. Л. Никифорова; общ.ред. и вступ. ст. И.С.Нарского.— М.:Прогресс, 1986. 542 с.
6. Фейерабенд П. Против метода. Очерк анархистской теории познания / Пер. с англ. А. Л.Никифорова.— М.: АСТ; Хранитель, 2007. — 413 с. ISBN 978-5-17-041128-3
7. Фейерабенд П. Наука в свободном обществе / Пол Фейерабенд; пер. с англ. А. Л. Никифорова. — М.: АСТ: АСТ Москва, 2010.— 378 с. ISBN 978-5-403-02543-0
8. Фейерабенд П. Прощай, разум / Пол Фейерабенд; пер. с англ. А.Л.Никифорова.— М.: АСТ: Астрель, 2010.— 477 с.ISBN 978-5-271-29459-4

## 9-машғулот

### “Имре Лакатос ва Пол Фейерабенд қарашлари таҳлили” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| Вақт: 2 соат. | *Талабалар сони:* 5 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Илмий билиш динамикаси<br>2. И.Лакатос қарашлари<br>3. П.Фейерабенд таълимоти |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Илмий билиш динамикаси ва бу борадаги Лакатос, Фейерабенд қарашларига оид билимларни мустаҳкамлаш. |
| *Педогогик вазифалар:*<br>• И.Лакатоснинг илмий тадқиқот дастурлари рақобати ҳақидаги қарашларини таҳлил этишга йўналтириш;<br>• П.Фейерабенд эпистемологияси хусусиятларини ўрганишга йўналтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• И.Лакатоснинг илмий тадқиқот дастурлари рақобати ҳақидаги қарашларини тушунтира олади;<br>• П.Фейерабенд эпистемологияси аҳамиятини асослай олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий ҳужум, синквейн, ФСМУ |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |



### “Имре Лакатос ва Пол Фейерабенд қарашлари таҳлили” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **ўқитувчининг** | **талабаларнинг** |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради (9.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (9.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br><br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзуга оид билимларни ўзлаштириш учун Синквейн методи орқали топшириқ беради (9.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни якка ҳолда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади.<br>2.4. Мавзунинг муҳим тезисларини ҳимоя қилиш учун ФСМУ технологияси воситасида жуфт бўлиб ишлаш учун тарқатма | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br><br>Синквейн жадвалини тўлдиради, оғзаки жавоб беради.<br><br>ФСМУ жадвалини тўлдиради.<br><br>Оғзаки жавоб |

| | | |
|---|---|---|
| | материал тарқатади (9.4.-Илова).<br>2.5. Жавобларни тинглайди, талабалар биргаликда таҳлил қилади, хулосалайди. | беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (9.5.-Илова). | Тинглайди тегишли хулосаларни ёзиб олади.<br><br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |

**9.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Илмий дастур деганда нимани тушунасиз?
2. "Етук фан" ва "норасо фан" деган сўзлар сизга нимани англатади?
3. Анархистик эпистемология мазмунини айтиб беринг.
4. Фейерабенднинг "Ҳамма нарса мумкин" деган тезисининг анархистик эпистемология билан боғлиқлигини қандай изоҳлайсиз?



**9.2.-Илова**

**Таянч иборалар:**

"Етук фан", "норасо фан", анархистик эпистемология, ижобий ва салбий эвристика қоидалари, эпистемологик плюрализм, назарий реализм.

**Глоссарий:**

**"Етук фан"** - илгари маълум бўлмаган фактларни башорат қилади, янги ёрдамчи назарияларга замин яратади; эвристик кучга эга бўлади;- назарий жиҳатдан мустақил ҳисобланади.

**"Норасо фан"** - синовлар ва хатоларнинг алмисоқдан қолган андозасидан ташкил топган фан (Лакатосга кўра).

**Анархистик эпистемология** - ягона универсал метод мавжудлигини рад этиш, «ҳамма нарса мумкин» деган тамойилга амал қилиш (Фейерабендга кўра). Бунда конкрет методга риоя қилиш ва унинг барча кўрсатмаларини бажариш илмий тадқиқот амалиётининг моҳиятига ҳам, билишнинг ижодий табиатига ҳам мутлақо зидлиги назарда тутилади.

**"Ижобий" эвристика қоидалари** - тадқиқотларни ўтказишда қайси йўлдан бориш лозимлигини кўрсатади.

**"Салбий" эвристика қоидалари** – тадқиқот жараёнидаги тадқиқларни, қайси йўлларни четлаб ўтиш лозимлигини кўрсатади.

**Эпистемологик плюрализм** – билимга эришишнинг ягона йўли мавжуд эмаслиги ҳақидаги ғоя. Унга кўра, фан ҳақиқатни англашда қанчалик аҳамиятли асос бўлса, мифология, дин кабилар ҳам фан каби муҳимдир (Фейерабенднинг "Anything goes" - "ҳамма нарса мумкин" ғояси).

**Назарий реализм концепцияси** - билимнинг актуал ўсиши қиёсий бўлмаган, яъни ягона мантиқий асос билан дедуктив усулда боғланмаган, турли тушунчалар ва методларни қўллайдиган назарияларнинг кўпайтирилиши (пролиферацияси) натижасида ишлаб чиқилган (Фейерабенд).

9.3.-Илова

## Синквейн методи

**Синквейн** (фр. “беш қатор” маъносини англатади) маълумотларни синтезлаш (алоҳида маълумотлар асосида яхлит ғояларни шакллантириш)га ёрдам берадиган қофиясиз шеър бўлиб, у асосида ўрганилаётган мавзу (тушунча, ҳодиса, воқеа)ларга оид маълумотлар тўпланади; ҳар бир ўқувчи (талаба) ушбу маълумотлар йиғиндиси (қофиясиз шеър)ни ўз сўзлари билан турли вариант ёки нуқтаи назарлар орқали ифодалаш имкониятига эга. Синквейн тузиш – мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир неча сўз орқали яққол, эркин ифодалаш малакаси бўлиб, бу жараён мавзуни пухтароқ ўзлаштириш, маълумотларни яхшироқ англашга ёрдам беради

*Намуна*

| | |
|---|---|
| тушунча от | • - билим |
| 2 сўздан иборат сифат | • - субъективлашган ахборот |
| 3 сўздан иборат феъл | - оламни англашга йўналтиради |
| 4 сўздан иборат муносабат | - мақсадларни белгилашга таъсир қилади |
| 1 сўздан иборат синоним | - илм |

### Ўқув топшириқ

Синквейн методи ёрдамида қуйидаги тушунчаларни изоҳланг:

1–тушунча “эпистемология”
2-тушунча “эвристика”
3-тушунча “пролиферация”
4-тушунча “анархизм”
5-тушунча “плюрализм”



9.4.-Илова

### Ўқув топшириқ
### ФСМУ тезислари:

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **“Илмий дастур илмий билимнинг ривожланиши жараёнининг бирлигидир” (Лакатос).** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **“Фаннинг обрўси ҳаётнинг бошқа ҳар қандай шаклиникидан ортиқ эмас” (Фейерабенд).** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **“Ҳар қандай ғоя, у қай даражада эски ва абсурд бўлмасин, бизнинг билимимизни яхшилашга қодир” (Фейерабенд).** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган** | |

| | |
|---|---|
| сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

**9.5.-Илов**

## Тавсия этиладиган адабиётлар:


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013 ISBN: 978-9943-4112-9-6.
2. Античная мифология. Онлайн энциклопедия. Королёв К Лактионов А. http://mifoteka.ru
3. Энциклопедия эпистемологии и философии науки Касавин И.Т. -М.: «Канон+», РООИ «Реабилитация», 2009 http://iphras.ru/page21070618.htm
4. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. -М.: Наука, 1976.
5. Стебшн-Каменский М.И. Миф. –Ленинград: 1976.
6. Голосовкер Я.З. Логика мифа. -М.: 1987.
7. Хюбнер К. Истина мифа. -М.: 1996.
8. Религия, магия, миф: современные философские исследования. -М.: 1997.




## 10-машғулот

## "Миф – рационализм ва иррационализм талқинида" мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| Вақт: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Ўқув машғулот режаси / Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Миф нима?<br>2. Миф – фан талқинида<br>3. Миф – иррационализм талқинида |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Мифлар моҳиятини рационализм ва иррационализм талқинида тушунтириб бера олишга хизмат қиладиган билим ва кўникмага эга бўлиш. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>• Универсал рационализмда миф ва ҳақиқатнинг талқин этилишини тушунтириш, таҳлил қилишга йўналтириш;<br>• Мифларнинг когнитив хусусиятларини очиб беришга хизмат қиладиган манбаларни таҳлил этиш малакасини шакллантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Мифлар моҳиятини тушунтира олади;<br>• Мифологик ва реал-рационал ҳақиқат тушунчаларини фарқлай олади;<br>• Мифни иррационал талқин қила олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий хужум, Венн диаграммаси, Т-схема. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

| | |
|---|---|
| сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

9.5.-Илов…

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 201… ISBN: 978-9943-4112-9-6.
2. Античная мифология. Онлайн энциклопедия. Королёв К… Лактионов А. http://mifoteka.ru
3. Энциклопедия эпистемологии и философии науки… Касавин И.Т. -М.: «Канон+», РООИ «Реабилитация», 2009 http://iphras.ru/page21070618.htm
4. Мепетинский Е.М. Поэтика мифа. -М.: Наука, 1976.
5. Стебшн-Каменский М.И. Миф. –Ленинград: 1976.
6. Голосовкер Я.З. Логика мифа. -М.: 1987.
7. Хюбнер К. Истина мифа. -М.: 1996.
8. Религия, магия, миф: современные философские исследования. -М.: 1997.




## 10-машғулот
## "Миф – рационализм ва иррационализм талқинида" мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони*: 5 |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Ўқув машғулот режаси / Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Миф нима?<br>2. Миф – фан талқинида<br>3. Миф – иррационализм талқинида |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Мифлар моҳиятини рационализм ва иррационализм талқинида тушунтириб бера олишга хизмат қиладиган билим ва кўникмага эга бўлиш. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>• Универсал рационализмда миф ва ҳақиқатнинг талқин этилишини тушунтириш, таҳлил қилишга йўналтириш;<br>• Мифларнинг когнитив хусусиятларини очиб беришга хизмат қиладиган манбаларни тадқиқ этиш малакасини шакллантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Мифлар моҳиятини тушунтира олади;<br>• Мифологик ва реал-рационал ҳақиқат тушунчаларини фарқлай олади;<br>• Мифни иррационал талқин қила олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий ҳужум, Венн диаграммаси, Т-схема. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**"Миф – рационализм ва иррационализм талқинида" мавзуи бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради (10.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (10.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди. Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзуга оид билимларни ўзлаштирилганлигини аниқлаш учун Венн диаграммаси график органайзери орқали топшириқ беради (10.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни жуфт ҳолда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади.<br>2.4. Мавзунинг муҳим тушунчаларининг мазмунини таҳлил қилиш учун Т-схема асосида тарқатма материал тарқатади(10.4.-Илова).<br>2.5. Топшириқни талабалар якка ҳолда бажарадилар.<br>2.5. Жавобларни тинглайди, қиёслайди, нисбатан тўлиқ ва тўғри жавобни эълон қилади. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>Венн диаграммаси ГОни тўлдиради, оғзаки жавоб беради.<br>Т-схемани якка ҳолда тўлдиради. Ёзилганлар асосида оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (10.5.-Илова). | Тинглайди. Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |

### 10.1.-Илова

**Саволлар:**

1. Универсал рационализм - қандай рационализм?
2. Миф, мифология ҳақида нималарни биласиз?
3. Мифлар ҳақиқатни акс эттира оладими? Қандай қилиб?
4. Космогоник мифларга мисол келтиринг.
5. Кундалик ҳаётимизда мифларга тўқнаш келамизи: қандай?

### 10.2.-Илова

**Таянч иборалар:**

Миф, эзотеризм, каббала, ремифологизация, космогоник мифлар, астрология.

**Глоссарий:**

**Миф** (юнонча mifhos – афсона, ривоят) ибтидоий давр кишилари онги ва тушунчасида инсон, табиат, жамият ва коинотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ воқеалар, табиат ва жамият ҳодисаларини рамзларда акс эттириш. Мифнинг мазмуни рамзий тилда ифодаланади, натижада унинг хулосалари кенг ва кўп маъноли тус касб этади. Миф олий даражада универсал воқеалар - инсон ўлими ва мангу барҳаётлик, дунёнинг вужудга келиши, қаҳрамонона қилмишлар, маданият ютуқлари (масалан, оловнинг ўғирланиши ҳақидаги миф) ва шу кабилар ҳақида ҳикоя қилади.

**Эзотеризм** (юнонча ички) – оддий одамларга аён бўлмайдиган, махсус руҳий-маънавий тайёргарлик – амалиёт воситасида эгаллаш мумкин бўлган, воқеликни ўзига хос чуқур идрок этиш билан хосил бўладиган билимлар мажмуаси (экзотеризмнинг акси). Эзотеризмнинг таркибига сирли билимга эришишнинг бир нечта – магия, алхимия, астрология, гностицизм, каббала, теософия, сўфизм, йога, масончилик, антропософия, мондиализм каби турлари киради.

**Каббала** (қадимги иврит тилида "олмоқ", "қабул қилмоқ", "омонат") – яхудийликдаги диний-мистик, эзотерик оқим. Каббала илоҳий билим, даража бўлиб, унга эришиш учун Оғзаки ва Ёзма Талмудни яхши билиш, тушуниш керак. Талмудга кўра Торони тушунишнинг тўртта босқичи бор, улар тўртта илоҳий



...нинг бош харфларидан таркиб топган – П (матнни оддий тушуниш), Р (рамз, ишора), Д (изоҳ), С (сир). Бунда матнни оддий тушунгандан сўнг, ундаги рамз ва ишораларни тушунишга ўтарилади, кейин рамзларни изоҳлай олишдан кейинги даража сирли-илоҳий билимни қўлга киритиш мумкин.

**Ремифологизация** - мифологиянинг тикланиш жараёни.

**Космогоник мифлар** – оламнинг пайдо бўлиши, тартибсизлик (Хаос)дан тартиб (Логос)нинг келиб чиқиши ҳақида афсоналар. Космогоник мифлар асосан, оламнинг қандай кетма-кетликда яратилганлиги, уларнинг ўзаро қанчалик бир-бирини тақозо этишини илоҳий кучлар, воситалар орқали тавсифлайди.

**Астрология** (қадимги юнон тилида "астро" – юлдуз, "логия" – фикр, сабаб) – осмон жисмлари ва уларнинг ҳаракатларини Ер шари ва ундаги инсонларга таъсирини ўрганувчи таълимот (парафан). Астрология инсоннинг туғилиши, тақдири, Ер шарининг мавжудлиги ҳолатларини эътиқод, анъана ва башорат қилувчи амалиётлар билан боғлаб тавсифлайди. Узоқ тарихга эга ушбу таълимот астрономиянинг отаси ҳисобланади.

### 10.3.-Илова

**Ўқув топшириқ**



**10.4.-Илова**

### Ўқув топшириқ

*1-топшириқ*

**Ҳақиқатни англашда мифларнинг**

| ютуғи | Камчилиги |
|---|---|
| | |

*2-топшириқ*

**Ҳақиқатни англашда фаннинг**

| ютуғи | Камчилиги |
|---|---|
| | |

**10.5.-Илова**

### Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.

2. Античная мифология. Онлайн-энциклопедия. Королёв К. Лактионов А. http://mifoteka.ru

3. Энциклопедия эпистемологии и философии науки. Касавин И.Т. -М.: «Канон+», РООИ «Реабилитация», 2009 http://iphras.ru/page21070618.htm

4. Пахомов С. В. Специфика эзотерического знания. http://asem.ucoz.org/Statji/pakhomov1.pdf

5. Пахомов С.В. К вопросу о демаркации понятия «эзотеризм» http://asem.ucoz.org/Statji/Pachomov_01.pdf

6. Карелин В.М. Магия как наука в учении Телемы. http://asem.ucoz.org/Statji/karelin.pdf

7. Верслуис А. Методы исследования эзотеризма. http://fzrw.org/_ld/6/610_Versluis.pdf



**11-машғулот**

### “Эзотерика ва эзотерик билимлар” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони*: 5 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Эзотеризм ва экзотеризм<br>2. Эзотеризмнинг намоён бўлиш шакллари<br>3. Девиант билим |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Эзотеризм, эзотерик билимлар (спиритизм, оккультизм, девиант билим) мазмуни, намоён бўлиш хусусиятлари ва аҳамияти ҳақидаги билим ва тасаввурларни кенгайтириш. |
| *Педологик вазифалар*:<br>• Эзотеризмнинг плюралистик табиати, оккульт ва девиант билимлар, спиритизмнинг назарий ва амалий хусусиятларини фарқлаш, таҳлил қилишга йўналтириш;<br>• Фан ва эзотерик билимларнинг ўзаро нисбатини фарқлаш, уларнинг амалда қўлланилишига оид малакаларни шакллантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Эзотерик билим моҳиятини тушунтира олади;<br>• Эзотеризмнинг фанга нисбатан плюралистик хусусиятларини кўрсатиб бера олади;<br>• Девиант билим, оккульт билим ва спиритизмнинг когнитив жиҳатларини асослай олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар. |

| | |
|---|---|
| *Таълим шакли* | Ақлий ҳужум, Ассесмент. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Эзотерика ва эзотерик билимлар” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **Ўқитувчининг** | **талабаларнинг** |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради (11.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (11.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди. Саволларга жавоб беради.<br><br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзуга оид билимларни ўзлаштирилганлигини текшириш учун Ассесмент технологияси асосида топшириқ беради (11.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни якка ҳолда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, нисбатан тўлиқ ва тўғри жавобни эълон қилади. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br><br>Ёзилганлар асосида оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (11.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br><br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |



**11.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Эзотеризм нима?
2. Фан ва эзотеризмнинг муносабати қандай?
3. Оккультизм, оккульт билим деб эшитганмисиз?
4. Эзотеризмдаги плюрализм деганда нимани тушунасиз?
5. Спиритизм ва девиант билим деб қандай билимга айтилади?

11.2.-Илова

**Таянч иборалар:**

Оккультизм, спиритизм, астросом, лярва, герметизм, девиант билим.

**Глоссарий:**

**Оккультизм** (лотинча "махфий", "сирли") – табиатда (ёки сайёрамизда) фанга номаълум, оддий инсонлардан махфий, яширин бўлган ҳамда махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар орқалигина билиш, эришиш мумкин бўлган билимлар ҳақидаги таълимот. Айрим манбаларда оккультизм эзотеризм билан синоним сифатида ишлатилади. Бироқ, оккультизмнинг бошқа эзотерик билимлардан фарқи – амалиёт билан узвий боғлиқлигида, унга кўра, махсус ритуалларни бажариш орқали табиат сирларидан воқиф бўлиш мумкин. Оккультизмнинг моҳиятини ҳиссий, ақлий ва тажриба орқали билишдан ташқари шундай буюк илм мавжудки, уни фақат махсус физик ва руҳий ҳолат – экстаз орқали англаш, эгаллаш мумкин.

**Спиритизм** (лотинча "қалб, руҳ") – XIX асрда Францияда Аллан Кардек томонидан ишлаб чиқилган диний-фалсафий таълимот. Кардек спиритизми реинкарнация таълимотига таянади: унга кўра руҳ жисм ўлганида ерга кўмилиб, гуноҳлардан тозаланади, пок бўлиб кейинги жисмда дунёга келади ва яна дунёвий лаззатлардан баҳраманд бўлиб ё гуноҳкор, ёки пок руҳ бўлиб яна жисмоний дунёни тарк этади. Руҳ камолга етгунча ҳар хил жисмлардан дунёга келаверади, токи ҳар бир жон ва ҳаёт руҳнинг юксалиши, камолга етишиши учун хизмат қилиши керак.

**Астросом ёки астрал соҳа** – инсон танасининг жисм ва руҳ орасидаги қисми. Оккультизмга кўра даставвал руҳ ўзига астросом яратади, кейин астросом физик танани яратади. Астросом инсоннинг органик ҳаётини тартибга солади ва бошқаради: бу иродага боғлиқ бўлмаган нафас олиш, қон айланиши, овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ ошқозоннинг барча функциялари, танани ҳимоя қилиш билан боғлиқ микробларни ҳалок қилиш ва ҳоказо. Астросом тана ва руҳнинг мавжудлигини



таъминловчи муҳим воситадир. Астросомнинг бош органи катта симпатик нерв, намоён бўлиши эса инстинкт.

**Лярва** (лотинча "арвоҳ") – қадимги рим мифологиясида инсонларга бахтсизлик келтирувчи ёвуз, гуноҳкор одамнинг руҳи. Қадимги юнон мифологиясида лярванинг аналоги лимур дейилган.

**Герметизм, герметика ёки герметик фалсафа** – эллинизм даври ва сўнгги антик даврда вужудга келган магик-оккульт таълимот. Юнон мифологиясидаги донишмандлик ва сирли билимлар илоҳи Гермес Трисмегист номидан келиб чиққан, бироқ герметизм анъаналари қадимги юнонистондан ҳам аввалроқ қадимги мисрда донишмандлик ва билим худоси Тот қолдирган маънавий мерос билан боғлиқ. Герметизм таълимоти эзотерик хусусиятга эга бўлиб, унинг элементлари қадимги юнон фалсафаси, ҳалдейлар астрологияси, форс магияси ва қадимги миср алхимиясида намоён бўлади. Герметизм анъаналарига кўра у сабабийлик тамойилига таянадиган табиат қонунлари ҳақидаги энг юксак билимдир.

**Девиант билим** – "девиант" атамаси фаолиятнинг қабул қилинган ва шаклланган стандартлардан чекиниш демакдир. Бунда ҳақиқат қиёслаш, эталон ва намуналарга таяниш билан эмас, балки илмий жамоатчиликнинг аксарият нормалари билан таққослашда намоён бўлади. Девиант билимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у билан одатда илмий тайёргарлик кўрган, бироқ маълум сабабларга кўра тадқиқотнинг бошқа методи ва объектларини танлаган кишилар шуғулланади. Девиант билим вакиллари одатда якка ёки кичик гуруҳларда ишлайдилар. Улар фаолиятининг натижалари шу йўналишнинг ўзи каби жуда ҳам кам вақт сақланиб қолади.

11.3.-Илова

**Ўқув топшириқ**

| Изоҳли луғат | Ижодий иш |
|---|---|
| • Оккультизм –<br>• Спиритизм – | Эзотеризмнинг плюралистик табиатини 4 та гап билан |

| | |
|---|---|
| • Герметизм –<br>• Девиант билим – | асосланг. |
| **Тест**<br>Махсус биопсихоэнергетик тайёргарликдан ўтган кишилар-гина тушунишга қодир бўлган таълимот қайси жавобда тўғри кўрсатилган?<br>А) Оккультизм<br>Б) Спиритизм<br>В) Герметизм<br>Г) Каббала<br>Д) Йога | **Муаммоли вазият**<br>Фан, одатда, ташқи сабаб эҳтиёжлар туфайли ривожланади, инсонни дунёни яхшироқ билишга ундайди. Инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун турли қулайликлар, истеъмол молларни яратади. Фандан фарқли эзотеризм инсоннинг ички асосларни англашга йўналтиради, бироқ ҳеч қачон тўғридан-тўғри истеъмол маҳсулотлари яратиб бера олмайди. Бироқ инсон англаб-англамай барибир эзотеризмга қизиқишини тўхтатмайди. Агар эзотеризм инсоннинг дунёвий ҳаётини фаровон қилишга бевосита ҳисса қўшмас экан, нима учун биз уни ўрганишга эътибор қаратишимиз лозим? |





**Тавсия этиладиган адабиётлар:**


Шармухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.

Жерар А. Папюс. Магия Деревенская. http://www.koob.ru/papyus_zherar_ankoss/

Жерар А. Папюс. Таро и астрология для посвященных. http://www.koob.ru/papyus_zherar_ankoss/

Жерар А. Папюс. Практическая магия. http://www.koob.ru/papyus_zherar_ankoss/

Жерар А. Папюс Каббала. http://www.koob.ru/papyus_zherar_ankoss/ .

Античная мифология. Онлайн энциклопедия. Королёв К. Антонов А. http://mifoteka.ru

Энциклопедия эпистемологии и философии науки. Касавин И.Т. -М.: «Канон+», РООИ «Реабилитация», 2009

Касавин И.Т. Шаман и его практика // Природа. 1988. № 11.

Герметизм, магия, натурфилософия в культуре XIII — XIX вв. -М.: 1999.

**“Оккультизмнинг амалий аҳамияти” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели**

| | |
|---|---|
| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони*: 5 |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Оккультизмнинг моҳияти<br>2. Спиритизм<br>3. Оккульт анъаналар натижаларининг фан ютуқлари билан мутаносиблиги |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Оккультизмнинг амалий аҳамиятини фан ва иррационализм талқинида тушуниш, таҳлил қила олишга оид билим ва малакаларни шакллантириш. |
| *Педогогик вазифалар*:<br>• Оккультизм, унинг билишга оид жиҳатлари, натижаларини фан эришган натижаларга нисбатан қиёсий таҳлил қилишга йўналтириш: ютуқ ва камчиликларини таққослай олиш кўникмасини шакллантириш;<br>• Махфий ёки эзотерик билимнинг ошкор этилиши ёки этилмаслиги сабабларини аниқлаш, хулоса чиқаришга йўналтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Оккультизм моҳиятини тушунтира олади;<br>• Махфий билимнинг нима учун “махфий” эканлигини аниқлай олади;<br>• Фан ва эзотеризм (герметизм) имкониятларини қиёсий таҳлил қила олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар, слайдлар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий ҳужум, муаммоли савол. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |



**“Оккультизмнинг амалий аҳамияти” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни: ўқитувчининг | Фаолият мазмуни: талабаларнинг |
|---|---|---|
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради (12.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (12.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди. Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Ҳар бир талабага мавзунинг асосий масалалари моҳиятини очишга қаратилган саволли карточкалар тарқатади (12.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни якка ҳолда бажаради. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>Тарқатма материални эркин услубда тўлдиради. Ёзилганлар асосида |

| | | |
|---|---|---|
| | 2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, тўлиқ ва тўғри жавобни эълон қилади. | оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (12.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |

**12.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Фан ва оккультизмни қандай мезонга кўра таққослаш мумкин?
2. Оқ ва қора магия ҳақида нималарни биласиз?
3. Махфий билим деб қандай билимга айтилади?
4. Мифологияда Изида илоҳаси қандай вазифани бажарган?
5. Герметик анъаналар моҳиятини нима ташкил қилади?
6. Пифагор сўзининг маъносини биласизми?



**12.2.-Илова**

**Таянч иборалар:**

Иерофант, Тот, Изида, Гестия, Урания, Полигимния, Мельпомена, Каллиопа, Эвтерпа, ҳалдейлар.

**Глоссарий:**

**Иерофант** (юнонча "келажакни билувчи") – Қадимги юнон коҳини, унинг асосий вазифаси келажакни башорат қилиш бўлган. Юнонистонда иерофантлар Керик ва Евмолпид оиласи аъзолари вакиллари бўлиши шарт бўлган. Юнонларда иерофант Олий коҳиндан кейинги иккинчи коҳин бўлган, маросимларда илоҳа Деметра ва Персефонага дуо-қўшиқлар куйлаган. Шунингдек, иерофант Таро башоратчиси ҳам ҳисобланади. Қадимги римда иерофант олий понтифик лавозими билан тенг ҳисобланган.

**Тот** (Теут, Тут, Туут, Тоут, Техуди, Джухути деб ҳам юритилади) – Қадимги Мисрда донишмандлик ва билим, Ой, кутубхоналар ҳомийси, олим, амалдорлар, давлат ва олам тартибининг худоси. Қадимги Мисрнинг энг дастлабки худоларидан бири. Тот боши ибис (лайлаксимонлар оиласига мансуб бурни узун ва қайрилган қуш) қуши бошидек одам қиёфасида, бир қўлида асо, иккинчи қўлида анх (қадимги миср иероглифи, рамзи; у "ҳаёт калити", "Нил калити", "ҳаёт тугуни", "миср хочи" деб ҳам юритилади) тутган ҳолда тасаввур қилинган. Қадимги Гермополис (Шмун) шаҳрида яшаган. Ой худоси ҳисоблангани учун Ра худосининг ёрдамчиси бўлган. У Птах-Хор-Тот учлигининг аъзоси сифатида энг буюк худолардан бири. Унинг фаолияти ҳар қандай билимлар, асосан магия билан боғлиқ. У сўз худоси ҳам ҳисобланган, унинг сўзлари ҳаракатни, фаолиятни, жараённи пайдо қилган. Қадимги Миср мифологиясига кўра у оламни сўз билани яратган. Тот ёзув яратувчиси, архивлар ҳомийси саналган. "Ўликлар китоби"да Тот асосий ўринга эга.

**Изида** (Исида) – қадимги Мисрнинг энг аҳамиятли илоҳаларидан бири. Аёллик ва оналик тимсоли. У Осириснинг синглиси ва турмуш ўртоғи, Горнинг онаси ҳисобланган. У

қуллар, гуноҳкорлар, ҳунармандлар, руҳий эзилган-тушкун кишилар, болаларнинг ҳомийси саналган. “Исида” сўзли “тахт” деган маънони билдиради, шу сабабли унинг бошида тахт тасвирланган тож бор. Изида ер худоси Геб ва осмон худоси Нутнинг қизи. Ўзининг акаси Осирисга турмушга чиқади ва Гор худосини дунёга келтиради. Афсоналарга кўра Сет Осириснинг ўлдирганда Изида ғамга ботиб йиғлаган кўз ёшидан Нил дарёси пайдо бўлади. Танаси бўлакланган Осириснинг парчаларини Изида тўплаб, магиянинг кучи билан унга қайтадан ҳаёт бахш этади. Изидага эътиқод қилиш христиан динида мажусийликнинг таъқиқланишига қадар мавжуд бўлган.

**Гестия** – қадимги юнон мифологиясида оила ўчоғи (маркази), қурбонлик олови тимсоли ҳисобланган ёш илоҳа. Кронос ва Реянинг катта қизи, Зевс, Гера, Деметра, Аид ва Посейдонларнинг синглиси. Рим маданиятида Весте илоҳасига мос келади. Гестия Афродитанинг қилмишларини ёмон кўради. Посейдон ва Аполлон унинг қўлини сўрашади, бироқ у ўз акаси Зевсга иффатини топширади ва у билан яшайди. Унинг ҳайкали Фессалия йўлида сақланиб қолган. Афсоналарга кўра Гестияни Прометейнинг олов ўғирлаши билан ҳам боғлашади, гўё Прометейга оловни Гестия берган, худолар орасида олов (гулхан, ўчоқ) ҳимоячиси у бўлган. Бу билан у оддий одамларга ёрдам берувчи ҳам жисмоний, ҳам маънавий ҳомий саналган. 1857 йилда кашф этилган 46-астериодга Гестия номи берилган.

**Урания** – қадимги юнон мифологиясидаги астрономиянинг илоҳаси. Зевс ва Мнемосинанинг қизи. 1854 йилда кашф этилган 30-астероидга Урания номи берилган. У қўлида шар ушлаб турган қиёфада тасвирланади. Афсоналарга кўра, ака -сингиллари – Клио, Каллиопа, Мельпомена, Эвтерпа, Терпсихора, Эрато, Полигимния, Талия ва Манес; турмуш ўртоғи – Аполлон; фарзанди – Лин.

**Полигимния** – қадимги юнон мифологиясидаги илоҳий мадҳиялар илоҳаси, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва пантомималар маъбудаси. Зевс ва Мнемосинанинг қизи. Мадҳия – шеърлар ёзувчи шоирларнинг ҳомийси, афсоналарга кўра у олимпия худоларини мадҳ этувчи мадҳияларни, урф-одат ва анъаналарни, ритуал – удум ва иримларни барчасини хотирасида



саклаган. У одатда қўлини юқорига ишора этган ҳолда ўйга толган қиёфада тасвирланади. У одамларнинг нотиқлик маҳоратини ошишига, мулоқот қобилиянинг юксалишига ҳомийлик қилади. Унинг шарафига 1854 йил кашф этилган 33-астероидга Полигимния номи берилган.

**Мельпомена** – қадимги юнон мифологиясида фожеавийлик маъбудаси. Зевс ва Мнемосинанинг тўққизта қизларидан бири. Мельпомена бошида узум баргларидан гулчамбар, эгнида театр мантияси, бир қўлида ниқоб ва бир қўлида узун қилич ушлаган ҳолда маюс тасвирланади. У худолар иродасининг одамлар томонидан бузилиши оқибатида инсонларнинг қайтариб бўлмас жазоларга мубтало бўлганлигидан изтироб чекаётган ҳолда ифодаланади. Машҳур тарихчи Геродот ўзининг 9 томлик “Тарих” китобининг 4-томини Мельпомена шарафига бағишлайди, бу китобда у Фермополь жангида скифларнинг эрон шоҳи Доро устидан қилган ғалабаси баён этилган.

**Каллиопа** (қадимги юнончада “сўзга уста”) - қадимги юнон мифологиясидаги назм-шеърият, фан ва фалсафа маъбудаси. Зевс ва Мнемосинанинг қизларидан бири. Орфейнинг онаси. Хат ёзувчи стилос (тахтача) ва пергамент парчаси ёнида қўлларини юқорига тутиб нутқ сўзлаётган каби тасвирланади.

**Эвтерпа** (Евтерпа, қадимги юнончада “ўйин-кулги”, “ҳазил”, “шод-хуррамлик”) – қадимги юнон мифологиясида мусиқа ва лирик шеърият маъбудаси. Зевс ва Мнемосинанинг тўққизта қизларидан бири. Бир қўлида авлос (қадимги юнон мусиқа асбоби, найга ўхшайди) ёки сиринга (ҳозирги флейта) тутган ҳолда тасвирланади. Эвтерпа номи лаззат (терпейн) сўзидан билан боғлиқ. Бунда санъат, хусусан, мусиқадан олинадиган лаззат назарда тутилади.

**Ҳалдейлар** – Тигр ва Ефрат дарёларининг орасида Месопотамиянинг жанубидан форс қўлтиғигача бўлган ҳудудда эрамиздан аввалги 10 асрдан 4 асргача яшаган семит қабилалари. Бобилни қўлга олиш учун асрлар давомида оссурияликлар билан жанг олиб боришган. Мил.ав. 626-536 йилларда Бобилда ҳалдейлар хукмронлик қилган. Арамей тилида сўзлашишган. Библияда ҳалдейлар бир неча бор тилга олинган. Шу билан бирга қадимги дунёда ҳалдейлар дейишганда афсунгарлар, волхв

(коҳин)лар, маглар, астрологлар, башоратчилар ҳам назари тутилган. Айрим манбаларда ҳалдейлар Исога эътиқод қилган биринчи қабилалардан бири ҳам дейилади.

12.3.-Илова

**Ўқув топшириқ**

1. Тот китобидаги герметик анъаналарни баён этинг.
2. "Ўликлар китоби"да махфий билимга эришиш босқичларини баён этинг.
3. Пифагорнинг оккульт билимларни эгаллаш ҳақидаги фикрларини баён этинг.
4. Герметизм, оккультизм ва махфий билим ўзига хослиги ва умумий жиҳатларини Венн технологияси асосида изоҳланг.
5. Қадимги герметик анъаналар натижаларини фанга ёки фан ривожига таъсирини баён этинг.

12.4.-Илова

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.
2. Рабинович В.Л. Алхимия как феномен средневековой культуры. -М.: 1979
3. Тихомиров Л.А. Учение оккультизма. Религиозно философские основы Истории. www.http://azbyka.ru/religii/tihomirov_religioznye_osnovy_istorii_40all
4. Эзотерика и эзотерическое знание. Оккультизм и мистицизм. www.https://sites.google.com/site/summaesotericae/lekcii/lekciaiezoterikaiezotericeskoeznanieokkultizmimisticizm
5. Пояснение: МАГИЯ, виды магии, вред от магии http://www.myshambhala.com/obitel/comments/magic.htm
6. Штайнер Р. Оккультное значение крови http://www.lib.ru/URIKOVA/STEINER/occultsignificansofbloodr.txt_withbigpictures.html




## 13-машғулот

**Табиат кучларидан оқилона фойдалана олиш" мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели**

| | |
|---|---|
| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / Ўқув машғулотининг режаси* | 1. Профан магия<br>2. Астрология<br>3. Каббала |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Табиат кучларидан оқилона фойдалана олишнинг Ўрта асрларда ўзига хос илм бўлганлиги ҳақидаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлаш. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>• "Табиий афсунгарлик"нинг мазмуни ва ўрта асрлар Европасида унинг воқе бўлишига сабаб бўлган ижтимоий-тарихий вазият ҳақида таҳлилий тасаввур уйғотиш;<br>• Классик фан пайдо бўлиши учун табиат кучларидан ўринли фойдалана олиш малакасининг асос бўлганлигига сабабларини аниқлаш, хулоса чиқаришга йўналтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• "Табиий афсунгарлик" моҳиятини тушунтира олади;<br>• Ўрта асрлар Европасидаги ижтимоий-тарихий вазиятни баён эта олади;<br>• Табиат кучларидан фойдала олиш маҳоратининг рационализм учун асос бўлганлигини асослай олади. |
| *Таълим услублари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар, слайдлар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий хужум, ФСМУ. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Табиат кучларидан оқилона фойдалана олиш” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | **ўқитувчининг** | **талабаларнинг** |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради. (13.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (13.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br><br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзунинг муҳим тезисларни ҳимоя қилиш учун ФСМУ технологияси асосида тарқатма материаллар тарқатади (13.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни жуфт ҳолда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, тўғри жавобни эълон қилади. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>ФСМУ жадвалини ёзиб тўлдиради.<br>Ёзилганлар асосида оғзаки жавоб беради |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (13.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br><br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |



**13.1-Илова**

**Саволлар:**

1. “Табиий афсунгарлик (магия)” деганда нимани тушунасиз?

2. Ўрта асрлар Европасининг ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий манзараси ҳақида нима дея оласиз?

3. Табиий афсунгарлик билан шуғулланган қандай тарихий шахсларни биласиз?

4. Табиат кучлари, имкониятларидан ўринли фойдала олиш бу магиями ёки фан?

13.2-Илова

## Таянч иборалар

Афсунгарлик (магия), магмагистр, гностик, Логос, алхимия, инерция.

## Глоссарий:

**Афсунгарлик (магия)** – ғайриоддий амаллар билан аниқ мақсад ёки ниятга етиш учун қўлланиладиган рамзий ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик – онг, фикр орқали таъсир ўтказа олиш). Афсунгарликда одам воқеа-ҳодисаларга таъсир кўрсатиш учун сирли кучларга таяниб фикрлаш тизимини ишга солади, шунингдек реал ва имконий моддийликка ҳам таъсирини ўтказа олади. Афсунгарлик аксарият динларда рад этилади, чунки афсунгарликнинг мақсади Худо томонидан яратилган воқеликка зид бўлиши ҳам мумкин. Лекин қадимги дунёда улар бир-бирига бирикиб кетган булган, масалан маъжусийликда. Магия сўзининг этимологияси қадимги шумер тилидаги imga – доно сўзи билан боғлиқ, биринчи марта ҳалдей кохинлари фаолиятида кузатилган дейилади. Магияни Элифас Леви "табиат сирлари ҳақидаги анъанавий фан", Папюс "инсон иродасининг табиат кучларини тезлаштиришга татбиқ этилиши", Карлос Кастанеда "табиатни ҳис қилиш орқали инсоннинг ички имкониятларини қўллай олиш маҳорати" деб таърифлайди.

**Маг** – Қадимги Эронда коҳин шундай аталган; иллюзионист – кўзбўямачи, сеҳргар.

**Магистр** (лотинча устоз, ўқитувчи) – Қадимги Римда давлат амалларидан бири; Европада илк ўрта асрларда айрим диний черковлар раҳбари ва шу билан бирга, диннинг махфий билимидан хабардор шахс; ўрта асрлардан сўнг илмий даража, унвон сифатида қўлланила бошланган.

**Гностиклар** – 4-асрдаги христиан сектаси.

**Логос** (юнонча "сўз", "фикр", "маъно", "тушунча", "рақам") – қадимги юнон фалсафасида бир вақтда ҳам "сўз", ҳам "тушунча" (мулоҳаза, мазмун) маъносини билдирган атама. Гераклит уни биринчи маротаба қўллаб "абадий ва энг умумий зарурият" деб таъриф берган. Кейинчалик логос деганда табиатда



қонуният тарзида амал қиладиган, барқарор, доимий ва зарурий тартиб тушунила бошланган.

**Алхимия** (лотинча alchimia) – герметик анъаналар асосида шаклланган натурфалсафанинг махсус шакли. Атаманинг келиб чиқиши қадимги миср донишмандлигига бориб тақалса-да, "ал-кимё" арабча "қуйма", "қаймоқ", "шира" – ҳар қандай нарсанинг энг ноёб, қаймоғи маъноларини англатади. Қадимги алхимия Аристотелнинг тўрт бошланғич асоси ҳақидаги назарияга таянади (алхимия астрология билан боғлиқ бўлгани учун асосий етти металл еттита сайёрага тенглаштирилади: Ой – кумуш, Меркурий – симоб, Венера – мис, Қуёш – олтин, Марс – темир, қалай – Юпитер, Сатурн - қўрғошин), кейинчалик шарқ алхимиясида бешинчи элемент ҳам қўшилади (олов, ер, ҳаво, сув + дарахт). Алхимикларнинг асосий мақсади етти асосий металлдан "фалсафа тоши" ёки "абадийлик элексири"ни яратиш бўлган. Улар турли ритуал-кимёвий билимларга таяниб бир (ёки бир нечта) моддадан янгича сифатдаги янги моддани яратишга ҳаракат қилган. Бу ташқи алхимия. Мутлоқ соғломлик, умрбоқийликка эришиш, руҳ трансмутацияси билан шуғулланиш эса ички алкимё дейилади.

**Инерция** (лотинча ҳаракатсизлик, қотиб қолиш, синоними - инертлик) – муайян тизимда жисмларнинг тинч, ҳаракатсиз ҳолати, ёки уларнинг ташқи ҳаракатлардан узилиб қолиши. Жисмларнинг инерция ҳолати классик механикада И.Ньютон томонидан кашф қилинган механиканинг биринчи қонунини яъни, инерция қонунида очиб берилган. Унга кўра, жисмга бошқа бирор куч, яъни жисм таъсир этмаса у ўзининг тинч, тўғри чизиқли, нисбатан ҳаракатсизлик ҳолатини сақлаб туради. Аристотел ўзининг "Механика" асарида шундай дейди: "Жисмни ҳаракатлантирувчи куч ўзини тўхтатмагунча у ҳаракатлана-веради".

13.3-Илова

## Ўқув топшириқ

| | |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | **“Интеллектуал табиатга эга бўлган бу борлиқни билиш ва англаб етиш мутлақо мумкин эмас, у тушуниш ва воқеликдан юксакроқдир, зеро, табиат инсоннинг энг теран ва соф ақлидан ҳам устун туради” (Оригена).** |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| | |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | **“Тошлар, металлар, гиёҳлар, моллюс-каларнинг чиғаноқлари ҳаёт ва руҳ манбалари сифатида, уларнинг “сим-патик хоссалари”ни ҳисобга олиб, турли мақсадларда қўлланилиши мумкин” (Фичино).** |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |



| | |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | **“Дунё уч ёқлама – стихияли, самовий ва интеллектуал хусусиятга эга. Барча тубан нарсаларни олий нарсалар бошқаради. Тубан нарсалар ўз кучини олий нарсалардан олади” (Агриппа).** |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

13.4.-Илова

## Тавсия этиладиган адабиётлар:


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.
2. Сатпрем. Шри Ауробиндо или путишествие сознания. -М.: 1999.
3. Громм В. Физика веры. –М.: 2000.
4. Герметический венок из роз. Артефий, Хортулан, Арнольд де Вилланова, Бернгард граф Трев. –М.: Пор-Рояль, 2008. ISBN: 966-7068-07-2.
5. Книга алхимии. История, символы, практика. Рохмистров В., Канонников И., Альберт Пуассон и другие. –М.: Амфора, 2006. ISBN: 5-367-00129-7.
6. Гермес Трисмегист и герметическая традиция Запада и Востока. –М.: Новый Акрополь, 2012. ISBN: 978-5-91896-041-7.
7. Золотая цепь Гомера. Антон Йохан Кирхвегер. –М.: Пор-Рояль, 2009. ISBN: 978-966-195-001-5.

## 14-машғулот
## “Герметик анъаналар мазмуни” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Герметик фалсафа<br>2. Инсон борлиғининг етти даражаси<br>3. Герметик аксиомалар |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Герметизм, герметик анъаналар ҳақидаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлаш. |
| *Педогогик вазифалар:*<br>• Герметизмнинг мифология билан узвий жиҳатларини фарқлашга йўналтириш;<br>• Герметизмнинг кўп даражали дунёси: унда илмийликнинг намоён бўлишини аниқлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини хосил қилиш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Герметик фалсафа мазмунини изоҳлай олади;<br>• Герметизмдаги мифологик унсурларни кўрсата олади;<br>• Герметик аксиомаларни тушунтира олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар, биринчи манбалар конспекти, слайдлар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий ҳужум, Чархпалак. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |



## “Герметик анъаналар мазмуни” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар берила-ди (14.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (14.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди. Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган саволлар ёзилган тарқатма материаллар тарқатади (14.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни якка ва умумий тарзда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, тўғри жавобни эълон қилади. | Вазифани белгилан-ган вақт оралиғида бажаради.<br>Саволларга ёзилган жавобларни доскага илиб, шу асосда оғ-заки жавоб беради. |

| | | |
|---|---|---|
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томон-лари устида ишлаш лозим-лигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (14.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |

**14.1.-Илова**

### Саволлар:

1. Гермес (Тот, Меркурий) Худоси ҳақида нималарни биласиз? Унинг герметизмга қандай алоқаси бор?
2. Миср мифологиясидаги герметик анъаналарни биласизми?
3. Карма деб нимага айтилади?
4. Мистика ва герметизмни қандай бир-бирига боғлаш мумкин?
5. Теософия нимани англатади?

**14.2.-Илова**

### Таянч иборалар:

Мистика, карма, теософия.

### Глоссарий:

**Мистика** (юнонча "сирли", "ёпиқ") – ғайриоддий кучларга ишониш, шу билан бирга, Худо билан бирлашиш мақсадида амалга ошириладиган сирли диний амаллар. Теологик ва фалсафий таълимотларни қамраб олувчи бу йўналиш – мистицизм деб аталади. Мистика макон ва замон шартларига бўйсунмасдан воқе бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни назарда



тутади. Масалан, авлиёларнинг ғайриоддий имкониятлари, башоратли тушлар кўриш, астрология, телекинез, оккультизм, спиритизм, медиумларнинг фаолияти ва бошқалар мистиканинг намоён бўлиш шартларидир.

**Карма** (санскритча "тақдир", "ажр") – ҳиндуизм дини ва фалсафасидаги сабаб ва оқибат қонунларига асосланувчи асосий тушунчалардан бири. Унга кўра инсон ҳаётида амалга оширган яхши ва ёмон ишлари (сансара) учун ажр олади, карма – тақдирнинг натижаси ёки оқибати карма-пҳала дейилади. Карма қонунлари нафақат ўтмишга асосланади, балки унга асосланиб келажакни ҳам белгилайди (*реинкарнация*).

**Теософия** (қадимги юнон тилида "илоҳий донишмандлик") – оккультизмнинг назарий қисми, кенг маънода Худони англаш демак. Теософиянинг асослари гностицизм ва неоплатонизмга бориб тақалади, замонавий асослари эса, Е.Блаватская қарашлари билан боғлиқ.

**14.3.-Илова**

### "Чархпалак" (Бумеранг) методи қоидаси

*Эслатма*: ушбу метод, одатда, кичик гуруҳларга нисбатан қўлланилади, бироқ якка тарзда ҳам бажариш мумкин.

5 та магистрант алоҳида столларга ўтиради. Ҳар бир талабага саволлар ёзилган ватман қоғози ва беш хил фламастер ёки маркер берилади. Саволлар айланиб ҳар бир талабадан ўтади, жавоблар тўлдирилади ва савол ўзининг биринчи эгасига келгач ўйин тўхтатилади. Сўнг жавоблар йиғиб олингач, доскага ёпиштирилади ва мухокама қилинади. Ҳар бир талаба чиқиб ўзи ёзган жавобларни ўқиб беради. Жавоблар ўқитувчи раҳбарлигида таҳлил қилинади, энг асосли жавоб берган талаба ғолиб ҳисобланади.

### Ўқув топшириқ:

1-савол: Герметик фалсафанинг мифологик дунёқараш билан алоқадорлигини қандай асослай оласиз?

2-савол: Герметизмдаги Коинотнинг ташкиллашиши ҳақидаги тамойилларнинг қайси бирларини ҳозирги замон фани натижалари асосли эканлигини тасдиқлайди?

3-савол: Инсон борлиғининг етти даражаси ҳақидаги герметик назария ҳозирги замон психологияси, биологияси, тиббиёти ва бошқа фанларидаги хулосалар билан қанчалик мувофиқ келади?

4-савол: Герметик фалсафада ақлнинг ўрни қандай ва у билан бошқарилиши лозим бўлган ҳолатларни биласизми?

5-савол: Герметизм аксиомаларини биласизми? Сиз ҳаётда уларнинг қайси бирига бевосита амал қиласиз?

14.4.-Илова

## Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.

2. Оствальд В. Философия природы. –Санкт-Петербург, Библиотека Самообразования, 1903. В формате djvu.

3. Стайбл Вианна. Тета-исцеление. Уникальный метод активации жизненной энергии. Перевод Трегубов Д. –М.: София, 2014. ISBN: 978-5-906686-56-5.

4. Сохер Рокед. Человек уставший. Как победить хроническую усталость и вернуть себе силы, энергия и радость жизни. Перевод Матвеева И. – М.: Альпина Паблишер, 2015. ISBN: 978-5-9614-5397-3, 978-5-9614-4869-6, 978-0-09-195507-6.

5. Мальцев Н. Энергетика Вселенной. Философия фундаментальной физики. –М.: Алгоритм, 2011. ISBN: 978-5-4320-0050-7.

6. Лебедев С., Лидин А. Карма повседневности. Энергетика общения. -М.: Яуза, 1996. ISBN:5-87849-045-5.



## 15-машғулот
## "Руҳий энергия: моҳияти ва намоён бўлиши" мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони*: 5 |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулот. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Энергия ва энергетизм<br>2. Руҳия энергия<br>3. Фикр энергияси |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Энергия феномени: моҳияти, намоён бўлиши, хоссалари ҳақидаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлаш. |
| *Педогогик вазифалар:*<br>• Энергия ҳақидаги билим, тасаввурлар эволюциясини ўрганиш орқали уларнинг намоён бўлиши ҳақидаги амалиётларни таҳлил қилишга йўналтириш;<br>• Руҳий энергиянинг бунёдкор кучи, тебранишлар табиатини ўрганиш, хоссаларни воқеликда намоён бўлишини англашга йўналтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Энергия, унинг турлари, хоссалари, намоён бўлишини тушунтира олади;<br>• Руҳий энергиянинг табиатини, ундан фойдаланиш имкониятларини кўрсата олади;<br>• Олий энергия билан муомалада бўлишнинг тарихий тажрибасини таҳлил қила олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий хужум, ФСМУ. |
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Руҳий энергия: моҳияти ва намоён бўлиши” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради (15.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изоҳ беради (15.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган ФСМУ технологияси асосидаги тарқатма материаллар тарқатади (15.3.-Илова).<br>2.2. Талабалар топшириқни якка ҳолда бажаради.<br>2.3. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, тўлиқ ва тўғри жавобни эълон қилади. | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>Тезисларни ҳимоя қилиб ёзган жавобларини доскага илиб, шу асосда оғзаки жавоб беради. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулот мавзусини эълон қилади ва семинарга тайёрланиб келишни айтади, адабиётларни тавсия қилади (15.4.-Илова). | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br>Келгуси машғулот учун тавсия этилган адабиётларни ёзиб олади. |



**15.1.-Илова**

**Саволлар:**

1. Энергия деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай энергия турларини биласиз?
3. Рух энергияси мавжудми?
4. Олий энергия бу – қандай энергия?

**15.2.-Илова**

**Таянч иборалар:**

Энергия, энергетизм, материя, гравитация, энтропия, диссипация, руҳий энергия, медитация, йога.

**Глоссарий:**

**Энергия** – атама сифатида биринчи марта 1807 йилда қўлланилган, мазмуни – ранг-баранг эврилишларга қодир бўлган, йўқ қилиб бўлмайдиган субстанция, материянинг муҳим атрибути; “куч” атамаси ўрнида ҳам қўлланилиши мумкин;

моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилияти ҳамдир.

**Энергетизм** – энергияни барча ҳодисаларнинг биринчи асоси деб ҳисоблайдиган йўналиш.

**Материя** - лотинча materia сўзидан келиб чиққан бўлиб, модда деган маънони англатади. Физикадаги квант-тўлқинли назария материянинг моддийлик деган тамойилини пучга чиқариб, ҳар қандай борлиқ шакли (маънавий-руҳий ҳам) материядир, жумладан фикр ҳам ўзига хос материя, деган ғояларни илгари суради.

**Гравитация** – тортишиш. Ньютон механикасига кўра оламдаги барча жисмлар бир-бирига нисбатан тортишиш кучига эга (қаранг: бутун олам тортишиш қонуни).

**Энтропия** – тартибсизлик мезони: очиқ тизимнинг энергия (ахборот) алмашинуви фоизини кўрсатувчи мезон.

**Диссипация** – энергиянинг тарқалиши, ёйилиши.

**Руҳий энергия** - энергиянинг барча турлари орасида энг нозиги деб қаралади. Нозик энергиялар хоссаларининг ўзига хослиги шунда намоён бўладики, тебранишлар қанча нозик бўлса, уларнинг таъсири шунча юқори ва кучли бўлади. Рерихга кўра «руҳий энергия образларни пластик, космик субстанцияда акс эттирувчи куч, муҳаббат ва интилишдир: у барча асаб толалари таъсирланишининг синтезидир».

**Медитация** – ўз тафаккурини бир объектга қаратиш, инсон эътиборини чалғитувчи барча бегона омилларни четга чиқариш йўли билан фикр юритиш, нарса, ғоя, дунёни идрок этиш. Динда медитация шахсий онгнинг Абсолют билан бирикувини англатади. Медитация, одатда, табиий рефлексия жараёнига айланадиган ҳаракатларнинг муайян кетма-кетлиги билан боғлиқ.

**Йога** – ҳиндуизмдаги олий Руҳ билан бирлашиш мақсадида амалга ошириладиган турли хил маънавий, психик, жисмоний ҳаракатлар йиғиндиси. Йоганинг асосий йўналишлари – раджа-йога, карма-йога, джнана йога, бхакти-йога, хатха-йога. Барча йога турларининг ҳаракатлари ҳар хил бўлса-да мақсади битта – ибодат қилувчини мокша (индивид руҳининг илоҳий руҳ билан бирлашиб кетиши) ҳолатига олиб чиқишдир. Йога медитацияни ҳам ўз ичига олади.



**15.3.-Илова**

## Ўқув топшириқ

| | |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | **Энергия – физик объектлар ҳаракати ва ўзаро таъсирининг мезонидир.** |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| | |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | **Коинот моддийдир, яъни у энергиядир.** |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| | |
|---|---|
| (Ф) Фикрингизни баён этинг | **Руҳий энергия – муҳаббат ва интилиш демак.** |
| (С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг | |
| (М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг | |
| (У) Фикрингизни умумлаштиринг | |

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **Руҳий энергия Коинот ва ҳаётнинг барча ҳолатларига таъсир кўрсатади.** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |

| | |
|---|---|
| **(Ф) Фикрингизни баён этинг** | **Борлиқнинг асоси Руҳ психодинамикасидир.** |
| **(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг** | |
| **(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг** | |
| **(У) Фикрингизни умумлаштиринг** | |

**15.4.-Илова**

## Тавсия этиладиган адабиётлар:


1. Шермухамедова Н. Фан фалсафаси. –Т.: Ношир, 2013. ISBN: 978-9943-4112-9-6.
2. Балабанов Ф. Нанотехнологии. Наука будущего. –М.: Эксмо, 2009. ISBN: 978-5-699-30976-4.
3. Капица С.А., Курдюмов С.П., Малинецкий Г.Г. Синергетика и прогноз будущего. -М.: 2001.
4. Ллойд Сет Программируя Вселенную. Квантовый компьютер и будущее науки. –Издательство: Альпина-нон-фикшн, 2014. ISBN: 978-5-91671-270-4.
5. Тимкина М., Черников Г. Астрологическая хроника будущего. Мир, Россия, Петербург. –Издательство: Политехника, 2003. ISBN: 5-7325-07-45-0.
6. Пелосини Джованни. Наука и магия спирали. –Издательство: Аввалон-Ло Скрабео, 2015. ISBN: 978-5-91937-122-9.
7. Асмус В. Ф. Проблема интуиции в философии и математики. (Очерк истории: XVII начало XX в.) –М.: Мысл, 1965.




**16-машғулот**

## “Фан ва эзотеризм мўлжалларининг мутаносиблиги” мавзусидаги семинар машғулотининг таълим технологияси модели

| *Вақт*: 2 соат. | *Талабалар сони: 5* |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган семинар машғулоти. |
| *Амалий машғулот режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Интуициянинг гипотетик хусусияти<br>2. Антропоцентризмнинг моҳияти<br>3. Борлиқнинг яхлитлик концепцияси |
| *Ўқув машғулотининг мақсади* | Келажак фани ҳақида фан ва эзотеризм мўлжалларининг ўхшаш эканлигини асослашга оид билим ва тасаввурларга эга бўлиш. |
| *Педогогик вазифалар:*<br>• Олимларнинг келажак фани хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазаларини таҳлил қилишга йўналтириш;<br>• Фан ва герметизмнинг билишга оид тамойилларидаги ўхшашлик ва айнийликни аниқлаш, таққослаш ва хулоса чиқаришга йўналтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Интуициянинг гипотетик хусусиятини тушунтира олади;<br>• Фан ва герметизм тамойилларидаги ўхшашликни асослай олади;<br>• Эзотеризмдаги когнитив хусусиятларни кўрсата олади. |
| *Таълим усуллари* | Амалий иш усули. |
| *Таълим воситалари* | Тарқатма материаллар. |
| *Таълим шакли* | Ақлий хужум, Кластер, Қарорлар шажараси. |

| | |
|---|---|
| *Таълим бериш шароити* | Махсус техника воситалари билан жихозланган хона. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, ёзма назорат, ўқув топшириқ. |

**“Фан ва эзотеризм мўлжалларининг мутаносиблиги” мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | ўқитувчининг | талабаларнинг |
| Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулотининг мавзусини, мақсадини, ўтказиш тартибини эълон қилади.<br>1.2. Талабаларнинг мавзуга оид билимларини аниқлаш мақсадида саволлар беради (16.1.-Илова).<br>1.3. Мавзу бўйича таянч иборалар ва семинар машғулот мавзуси, режасига изох беради (16.2.-Илова).<br>1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайди.<br>Саволларга жавоб беради.<br>Таянч ибораларни такрорлаб олади. |
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.1. Кластер технологияси асосида ҳар бир талаба учун мавзу мазмунининг асосий тушунчаларини тушунишга, улар орасидаги боғлиқликни кўрсатиб беришга хизмат қиладиган тарқатма материаллар тарқатади (16.3.-Илова). | Вазифани белгиланган вақт оралиғида бажаради.<br>Тарқатма материал эркин, ихтиёрий |



| | | |
|---|---|---|
| | 2.2. Жавобларни тинглайди, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, нисбатан тўлиқ ва тўғри жавобни эълон қилади.<br>2.3. Мавзунинг якуний хулосасини аниқлаш учун “Қарорлар шажараси” методи орқали топшириқ беради (16.4.-Илова).<br>2.4. Талабалар топшириқни якка ҳолда бажаради.<br>2.6. Жавобларни тинглайди, таҳлил қилади, талабалар билан биргаликда тўғри жавоб аниқлайди. | шаклда тўлдирилади, доскага илиниб, оғзаки ҳимоя қилинади.<br>Топшириқ белгиланган вақт довомида тарқатма материалда бажарилади, ўқиб, эшиттирилади. |
| Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу режасидаги саволлар ва уларнинг ёритилганига якун ясайди (хулоса қилади), айтилмаган томонлари устида ишлаш лозимлигини айтади.<br>3.2. Машғулот мақсадига эришилганлигини (ёки эришилмаганлигини) айтади.<br>3.3. Балларни эълон қилади.<br>3.4. Келгуси машғулотда мустақил ишлар қабул қилинишини слайд орқали эълон қилади. | Тинглайди.<br>Тегишли хулоса ва тавсияларни ёзиб олади.<br>Мустақил иш талабларини ёзиб олади. |

16.1.-Илова

## Саволлар:

1. Келажак фанини қандай тасаввур қиласиз?
2. Келажак фанининг энг муҳим муаммолари нималар бўлиши мумкин?
3. Келажак фани қандай воситалар орқали мавжуд муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилиши мумкин?
4. Фан ва герметизмни қандай меъёрларга кўра таққослаш мумкин?

16.2.-Илова

## Таянч иборалар:

Интуиция, иррационализм, микрокосм, макрокосм.

## Глоссарий:

**Интуиция** (лотинча "мушоҳада", "синчиклаб қарайман") – воқеа-ҳодисалар моҳиятини онг ости имкониятлари билан зийраклик билан англаш, тасаввур ва ҳиссиётлар воситасида саволларга ечим топа олиш, бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан сезиш қобилияти. Фалсафа тарихида интуицияга нисбатан турли қарашларни учратиш мумкин: Платон айтадики, ғояларни мушоҳада қила олиш бевосита интеллектуал билимга таянади, қачонки интеллектуал билим етарли бўлса, ғойибдан кўра олиш (интуитив билиш) шундагина рўй бериши мумкин. Декарт ва Гегел қарашлари ҳам интуиция интеллектга таянишини тасдиқлайди. Интуициянинг соф ҳиссиётлар билан боғланиши Фейербах қарашларида учрайди, Бергсон интуицияни инстинкт билан боғласа, Фрейд уни ижод жараёнида онгости майлларининг воқе бўлиши деб тушунтиради.

**Иррационализм** – борлиқни рационал-мантиқий билиш имкониятларидан фойдаланмасдан англаш. Иррационализм рационализмнинг акси сифатида ишлатилади. 19 асрда Европада иррационализмга қизиқиш ортади, унинг натижасида ҳаёт фалсафаси, экзистенциализм, феноменология, герменевтика каби рационал ва иррационал хусусиятларга эга бўлган фалсафий оқимлар пайдо бўлади.



**Микрокосм** (юнонча "кичик" "тартиб", "кичик олам") – антик давр натурфалсафасида инсонни борлиқнинг кичрайтирилган шакли деб тушуниш. Унга кўра борлиқдаги ҳар бир жиҳат, сифат, хусусият битта инсонда микро тарзда жамланган: борлиқдаги ҳар бир элементнинг миллиондан бир зарраси бўлса ҳам инсон борлиғида мавжуд.

**Макрокосм** – Олам, борлиқ.

16.3.-Илова

## "Кластер" методи

"Кластер" *(ғунча, боғлам)* методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у талабаларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратади. Мазкур метод турли хил ғоялар, тушунчалар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. "Кластер" методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

## Ўқув топшириқ

1. Фан
2. Онг
3. Рух
4. Герметизм
5. Интуиция




### 16.4.-Илова

## “Қарорлар шажараси” (“қарорлар қабул қилиш технологияси”) методи

“Қарорлар шажараси” методи муайян фан, бўлим, муҳим мавзу доирасидаги бир қадар мураккаб ва муаммоли масалаларни ўзлаштириш, вазиятни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувлар. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.



***Метод қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:***

1. Ўқитувчи машғулот аввалида таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Талабалар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди (вазифани якка тарзда ёки кичик гуруҳлар ташкил этиб бажариш мумкин).

2. Муаммонинг ҳал этилиш, бу борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида ҳар бир талаба томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва афзал бўлмаган жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида талабалар бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча талабалар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

## Ўқув топшириқ

| Истиқболдаги 30-50 йилларда эзотеризм фан сифатида тан олинадими? | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1-қарор варианти | | 2-қарор варианти | | 3-қарор варианти | | 4-қарор варианти | | 5-қарор варианти | |
| Афзал лиги | Камчи лиги | Афзал лиги | Камчи лиги | Афзал лиги | Камчи лиги | Афзал лиги | Камчи лиги | Афзал лиги | Камчи лиги |
| | | | | | | | | | |
| Қарор: | | | | | | | | | |

## МАВЗУЛАР КЕСИМИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН ВАЗИФАЛАР[1]

| № | Семинар мавзуси | Мустақил ишлаш учун вазифа |
|---|---|---|
| 1 | Гносеология, методология ва эпистемологиянинг ўзаро боғлиқлиги | Гносеология, методология ва эпистемологиянинг ўзига хослиги ва ўхшашлигини очиб берувчи компаравистик жадвал тайёрлаш. |
| 2 | Дунёнинг классик, но-классик ва постноклассик манзараси | Мавзу моҳиятини очиб бера оладиган 12-15 слайддан ташкил топган тақдимот. |
| 3 | Фан фалсафасининг асосий муаммолари | А.Л. Никифоровнинг "Философия науки: история ва теория" асарининг асосий ғояларини таҳлилига бағишланган реферат[2]. |
| 4 | Позитивизм ва Огюст Конт таълимоти | О.Контнинг" Общий обзор позитивизма" асарининг асосий ғояларини таҳлилига бағишланган реферат. |
| 5 | Конвенционализмнинг фан фалсафаси ривожи-даги ўрни | Э.Махнинг "Анализ ощущений. И отношение Физического к психическому" асарининг асосий ғояларини таҳлилига бағишланган реферат. |
| 6 | Вена тўгараги фаолияти-нинг фан фалсафаси тараққиётидаги ўрни | Протоколли гаплар, илмий тушунтириш, дедуктив-номологик тушунтириш, эксплананс ва экспланандум ва Вена тўгарагининг бошқа муҳим ғояларига оид казуслар тузиш (3 тадан 5 тагача). |
| 7 | Карл Поппер таълимоти ва танқидийлик (критицизм) | К.Попперниннг "Логика научного исследования" асари мазмунини очиб бера оладиган 12-15 слайддан ташкил топган тақдимот. |
| 8 | Эволюцион эпистемологиянинг мазмуни | Т. Кун "Структура научных революций" асарининг асосий ғояларини таҳлилига бағишланган реферат. |
| 9 | Имре Лакатос ва Пол Фейерабенд қарашлари таҳлили | П. Фейерабенд «Прощай, разум» ёки «Наука в свободном обществе» асарларидан бирини танлаб, асар мазмунини очиб бера оладиган 12-15 слайддан ташкил топган тақдимот. |
| 10 | Миф – рационализм ва иррационализм талқинида | "Мифларнинг ҳозирги замон фанига таъсири" мавзусида таҳлилий реферат. |
| 11 | Эзотерика ва эзотерик билимлар | Эзотеризм ва экзотеризмнинг компаравистик таҳлилига бағишланган реферат. |
| 12 | Оккультизмнинг амалий аҳамияти | "Оккульт билимлардан фойдалана олиш" мавзусида тарихий шахслар мисолида эссе. |
| 13 | Табиат кучларидан оқилона фойдалана олиш | Табиат кучларидан оқилона фойдаланишнинг турли ҳолатларига оид казуслар ишлаб чиқиш (3 тадан 5 тагача). |
| 14 | Герметик анъаналар мазмуни | "Герметик анъаналарнинг кундалик ҳаёт тарзи ва фанга таъсири" мавзусида реферат. |
| 15 | Руҳий энергия: моҳияти ва намоён бўлиши | Руҳий энергиянинг энг кучли энергия эканлигини асослаш мумкин бўлган 12-15 слайддан иборат тақдимот. |
| 16 | Фан ва эзотеризм мўлжалларининг мутаносиблиги | Келажак фани ҳақидаги назариялар таҳлилига бағишланган 12-15 минутлик видеоролик. |

[1] Талабалар мустақил иш мавзуси ва топшириғини ихтиёрий танлайди. Фанни ўзлаштириш учун битта мустақил иш тайёрлаш ва ҳимоя қилиш назарда тутилади.
[2] Реферат камида 24-30 бет, кириш, хулоса, манбалар рўйхати ва камида 3 масала таҳлилига бағишланган бўлиб, Times New Roman шрифтда, 14кг, бир интервалда ёзилади. Реферат таҳлилий-танқидий услубда ёзилиб, назарий хулосалар келтирилиши мақсадга мувофиқ.

## МУНДАРИЖА

Кириш .......................................................................................... 4
“Фан фалсафаси” фани бўйича машғулот мавзулари ..................... 8
**1-БЎЛИМ. ЭПИСТЕМОЛОГИЯ, ГНОСЕОЛОГИЯ, МЕТОДОЛОГИЯ ВА ФАН ФАЛСАФАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**
Гносеология, методология ва эпистемологиянинг ўзаро боғлиқлиги ..................................................................................... 10
Дунёнинг классик, ноклассик ва постноклассик манзараси ........ 19
**2-БЎЛИМ. ЭПИСТЕМОЛОГИЯ ДУНЁСИ**
Фан фалсафасининг асосий муаммолари ..................................... 26
Позитивизм ва Огюст Конт таълимоти ........................................ 32
Конвенционализмнинг фан фалсафаси ривожидаги ўрни ........... 38
Вена тўгараги фаолиятининг фан фалсафаси тараққиётидаги ўрни ........................................................................................... 48
Карл Поппер таълимоти ва танкидийлик (критицизм).................. 56
Эволюцион эпистемологиянинг мазмуни ..................................... 62
Имре Лакатос ва Пол Фейерабенд қарашлари таҳлили ................ 69
**3-БЎЛИМ. ФАН ВА ЭЗОТЕРИЗМНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ**
Миф – рационализм ва иррационализм талқинида ...................... 76
Эзотерика ва эзотерик билимлар ................................................... 82
Оккультизмнинг амалий аҳамияти .............................................. 89
Табиат кучларидан оқилона фойдалана олиш .............................. 96
Герметик анъаналар мазмуни ....................................................... 103
Руҳий энергия: моҳияти ва намоён бўлиши ................................ 108
Фан ва эзотеризм мўлжалларининг мутаносиблиги .................... 113
Мавзулар кесимида мустақил ишлаш учун вазифалар.............. 120

“Фан фалсафаси” фанидан семинар машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш учун услубий қўлланма

**Аллаярова С.Н.**

Муҳаррир - Ё.Иноғомов
Компьютерда саҳифаловчи - А. Абдусаломов

Нашриёт лицензияси AI № 299. 22.05.2017
Босишга рухсат этилди 12.09.2017. Бичими 60x84$^{1}/_{16}$
Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси.
Ҳажми: 7,75. босма таб. Нашр таб. 7,36.
Адади 30 нусхада

Оригинал-макет «Extremum-press» МЧЖда тайёрланди ва босмахонасида чоп этилди.. 100053, Тошкент ш. Боғишамол кўчаси, 3.
Тел: 234-44-05
E-mail: Extremum-press@mail.ru

ISBN 978-9943-4859-8-3